
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 18 декабрь Сешанба
№ 241 (13.677).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



ССЖИ халқ депутатларининг съезди очилди

МОСКВА. (ТАСС). 17 декабрь куни Кремлнинг Съездлар саройида ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съезди иш бошлади. Съездни ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов очди. 2240 халқ депутатидан съездда 1979 халқ депутати ҳозир бўлди, деб маълум қилди у.

Залда Совет Иттифоқи гимни янграйди.

Съезд ишида ССЖИ Президенти М. С. Горбачев қатнашмоқда.

Съезд раёсати ва котибияти тузилди.

Сўнгра халқ депутатлари съезднинг кун тартиби тўғрисидаги таклифларни муҳокама қилишга ўтдилар. ССЖИ Олий Кенгаши кун тартибига саккизта масалани киритишни тавсия этди. Аввало ССЖИ Президентининг мамлакат аҳволи ҳамда вужудга келган танг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни бартараф этиш тадбирлари тўғрисидаги маърузасини муҳокама қилиш, янги иттифоқ шартномасининг умумий концепцияси ва уни тузиш тартиби тўғрисидаги масала шу жумлага киради.

ССЖИ Конституциясига киритиладиган ўзгартишларни умумхалқ овоз бериши (референдум) тўғрисидаги ҳамда ССЖИ халқ депутатини чақириб олиш тартиби ҳақидаги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, ССЖИ Бош прокурорини ва Бош давлат ҳакамини тасдиқлаш, ССЖИ Олий Кенгашининг таркибини янгилаш (ротация қилиш) ҳам таклиф этилди.

Депутатлар кун тартибига тузатишлар киритишди. Муҳокама қилинганидан кейин кун тартиби тасдиқланди, қўшимча таклифларни эса умумлаштириш учун съезднинг котибиятига топширишга қарор қилинди.

ССЖИ халқ депутатларининг съезди ўз ишини давом эттиради.

Кўрик якунланди



ПАРВОЗ БЕКАЛАРИ

Мабодо ҳеч ким келмаса нима бўлади?

Бу саволдан безовталандик ҳам. Хайриятки, ундай бўлмади Тайёрагоҳ биноси олдида тўпланган қизлар шубҳамизни тарқатиб юборди. Очиғи хурсанд бўлдик. Бу ишга қўл ураётганда иккиланганлигимизни яширишдан не ҳожат. Минг раҳмат. Кўксида ватани борларга.

Кўпчиликнинг эсидадир. «Ёш ленинчи» маҳаллий қизлардан парвоз бекалари тайёрлаш масаласини кўтариб ва элатдошларимизни бу касбга чорлагани. Шукрки, мурожаатимиз беэътибор қолмади. Кўкда парвоз этиш истагини билдирганлар ўзбек қизлари орасида ҳам кўп экан. Ҳатто эндигина турмуш қурган келинчаклар ҳам бу касбга бажонидил рози бўлганликлари қувонарлидир.


— Бу ҳол маҳаллий миллат аҳлининг шу касбга эътибори кучлилигидан далолатдир, — дейди қабул комиссиясининг аъзоси Мунира Аббосова. — Йўқса, эшигимиз бунчалар гавжум бўлмасди. Бу ҳатто бизни шошириб қўйди ҳам. Бежизга бўлғуси парвоз бекаларини синчиклаб танлашга тўғри келгани йўқ. Саноқли қизлар ташриф буюрганида шундай қила олармидик?

Билими, дунё қараши, касбга бўлган қизиқишини синовдан ўтказган ҳайъат аъзолари 40 нафар ўзбек қизини парвоз бекалигига лойиқ кўрди. Улар тиббий кўрикдан ўтгач машғулотни бошлашади.

Суҳбатга Тошкент учув комплексининг маҳаллий миллат аҳлидан парвоз бекалари тайёрлаш ташаббуси гуруҳи раиси Абдурасул Тошпўлатов қўшилади.

— Сўнгги пайтларда таъна дашномлардан бошимиз чиқмай қолди. Ҳали у, гоҳида бу йўловчидан дакки еймиз. Айниқса, қишлоқларимиздан келганлар рус тилида сўзлаша олмайди. Парвоз бекаси эса ўзбекчани билмайди. Икки орада тушунмовчилик. Қолаверса бу давлат тилига эътиборсизлик ҳам. Хуллас ана шу чигалликларни ечиш ниятида босилган қадам бу.

Нима ҳам қўшимча қила олардик. Юрти, она заминини самодан кузатишни ният қилган ўзбек қизларининг йўлларини берсин.



СУРАТЛАРДА: қабул пайтидан лаҳзалар.

Е. БОТИРОВ суратга олган.

«Комсомольская правда» бир йилда 300 марта чиқади

КПСС МҚНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯСИНИНГ ФИКРИ АНА ШУНДАЙ

КПСС МҚнинг Ёшлар сиёсати масалалари бўйича Комиссияси навбатдаги мажлисида БЛКЁИ МҚнинг давлатнинг ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун Бутуниттифоқ структурани яратиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади: ССЖИ Олий Кенгашининг ёшлар ишлари бўйича Қўмитасига, ССЖИ Президенти аппаратида худди шундай структурани яратиш тўғрисида ССЖИ Президенти аппаратига илтимос билан мурожаат этишга қарор қилинди.

Комсомолга ёрдам кўрсатишнинг асосий масалаларидан бири унга рўзнома ва ойномалар, шунингдек болалар ва ўсмирлар учун адабиётлар нашр этишда кўмаклашиш эди. Қоғоз, босмахона, транспорт ва тарқатиш хизмати нархининг ошганлиги, солиқларнинг ўсганлиги кўпгина ёшлар ва болалар рўзнома ва ойномаларининг ёпилишига олиб келиши мумкин. Энг арзон нархда китоб чиқарувчи «Ёш гвардия» ноширлик — полиграфия бирлашмаси ҳам худди шу ҳолга тушиб қолди. Корхона жуда ҳам эскирган жиҳозларда ишламоқда, улар тезда ишдан чиқиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ хорижга буюртма берилган жиҳозларни сотиб олиш учун валюта беришдан бош тортишди.

КПСС МҚ Комиссияси болалар ва ёшлар учун рўзномалар, ойномалар, адабиётлар нашр этиш тижорат асосида амалга оширилиши мумкин эмас, деган хулосага келди. КПСС МҚ фирқа нашриётларига **комсомол нашрлари таҳририятлари билан шартнома тузаётганда фирқа нашрлари учун белгиланган нарх ва шартларга асосланиш зарурлиги** ҳақида кўрсатма берди. Хизмат хоналари ва жиҳозларни комсомол рўзномалари ва ойномалари ихтиёрида қолдириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Комиссия қабул қилган қарорда ёшлар учун чиқариладиган вақтли матбуот ва адабиётларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш юзасидан биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган чоралар белгиланган.

Бундан ташқари олинган маблағни болалар матбуотини ривожлантиришга сарфлаш учун ёшлар, болалар ва ўсмирлар учун чиқариладиган рўзнома ва ойномалар, адабиётлар нашр этишдан келадиган фойдага имтиёзли солиқ солиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Комиссия БЛКЁИ МҚнинг «Комсомольская правда» рўзномасини йилига 300 марта чиқишини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. КПСС МҚнинг Ишлар бошқармаси ва Мафкура бўлимига ушбу масалани ҳал этишда кўмаклашиш таклиф қилинди.

КПСС МҚнинг «Правда» нашриётига, маҳаллий фирқа нашриётларига фирқа рўзнома ва ойномаларини нашр этишдаги тартиб бўйича комсомол матбуотини ҳам тарқатиш бўйича хизмат кўрсатиш кафолатини бериш таклиф этилди. КПСС МҚнинг Ишлар бошқармаси ва Мафкура бўлимига БЛКЁИ МҚнинг фирқа қўмиталари ва уларнинг нашриётлари ёшлар нашрларига қандай ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги тўғрисидаги таклифини янги йилгача кўриб чиқиш топширилди.

Комиссиянинг фикрича КПСС МҚнинг Мафкура, Инсонпарварлик ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар билан алоқа бўлимлари БЛКЁИ МҚ билан ҳамкорликда ёшлар нашрлари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласини кўриб чиқишлари керак.

Комиссия шунингдек, комсомолнинг оғир моддий аҳволга тушиб қолганлигини ҳисобга олиб бу йил «Комсомольская правда» рўзномаси, «Собеседник» ҳафтаномаси, «Смена» ва «Пионер» ойномаларини нашр этишдан келадиган фойданинг бир қисмини фирқа бюджетига ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди. БЛКЁИ МҚ бу маблағларни ёшлар матбуотини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиш ниятида.

ТАҲРИРИЯТДАН: Юқорида ўқиганларингиздан маълум бўлдики, «Комсомольская правда» рўзномаси муштарийлари, умуман Бутуниттифоқ комсомоли раҳбарлигида чиқадиган нашрлар ўқувчилар учун енгиллик яратмоқда. Комиссия қарорларида маҳаллий фирқа органларига ва уларнинг нашриётларига тааллуқли гаплар ҳам бор. Бироқ...

Бироқ бизда аксинча бўляпти шекилли. Бир неча кундирки бизни «келгуси йилда комсомол нашрларини ташиш ва тарқатиш учун жумҳурият Алоқа вазирлиги даромаднинг 30 дан токи 50 фоизигача бўлган қисмини олар экан» деган хабар ташвишга солмоқда. Бу гапнинг нечоғли тўғри эканлигини билиш мақсадида бир неча марта жумҳурият «Союзпечать» бошқармасига қўнғироқ қилдик. Афсуски ҳозирча аниқ жавоб беролмасликларини, яна бир-икки кун сабр қилишни илтимос қилишди. Лекин «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» ойномалари учун бу рақам 14,2 фоиз қилиб белгиланганини билдик.

Нима учун «Ёш ленинчи» ва бошқа болалар ҳамда ёшлар нашрлари учун ҳам шундай қилиш мумкин эмас? Наҳотки ўзбек муштарийлари бу томондан ҳам таланишса? 360 минг киши учун рўзномани ўқимишли ва қизиқарли чиқариш учун кунни тунга улаб ишлаётганларнинг ҳоли не кечаркин? Хавотир билан кутаётганимиз 1991 йил арафасида ташвишимиз яна ортди. Зора жумҳуриятимиз раҳбарияти ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигини яна бир бор намойиш этиб мушкулимизни осон қилса...

Кончиларнинг ёрдамчи хўжаликлари

«Муборакгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси ходимларининг таомномасида балиқли таомлар номи пайдо бўлди. Балиқ эса бошқарманинг Култак газ кони яқинида ташкил этилган балиқчилик хўжалигидан келтирилмоқда. Балиқчилик хўжалигини ташкил этиш учун табиий пастликларга алангдан сув очишга тўғри келди, холос. Натижада 20 гектарлик кўл пайдо бўлди. Бу усулни Муборак газни қайта ишлаш заводи ёрдамчи хўжалигидан ўрганишди.

Яқин келажакда бошқармада ўзининг ҳайвонот фермаси пайдо бўлади. Балиқ билан бир қаторда ширкат асосда мўйна берадиган сув каламуши етиштиришга аҳд қилинди. Мўйнани сотишдан олинган валюта бозор иқтисодиёти шароитида техникани янгилаш учун сарфланади.

«Муборакгаз» бошқармасида ёрдамчи хўжаликнинг барча тармоқлари ижарачи жамоаларга ёки ширкатчиларга топширилган. Шу сабабли газ қазиб чиқарувчилар чўчқа, қўй, мол гўшти билан таъминланмоқда. 130 та асалари ини мавжуд, паррандачилик ривожланяпти. Ленинградлик мутахассислар эса 100 та кичик қуёнчилик фермаси барпо этишда ёрдам берадилар.

Хуллас, газ қазиб чиқарувчилар асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзларини ўзлари таъминлайдилар.

ТАСС, ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан

Шу сонга хабар

Қутлаймиз!

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги вазирлар Маҳкамаси адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Навоий номли ва Ҳамза номли Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари Қўмитасининг 1990 йилги Ҳамза номли Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотини бериш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқди.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги энг яхши асарлар учун Ҳамза номли Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилди:

Мурод Муҳаммад ДЎСТга — «Лолазор» романи учун; **Носир Йўлдошевич ФОЗИЛОВга** — «Устозлар даврасида» насрий китоби учун; **Ҳалима Умматқуловна ХУДОЙБЕРДИЕВАга** — «Муқаддас аёл» шеърий тўплами учун; **Акмалжон Тўраевич ИКРОМЖОНОВга** — «Она ер оҳанглари», «Чақмоқ», «Сукунат» «Орол — менинг дардим» триптихидан иборат ранг-тасвир суратлар туркуми учун; **Шароф БОШБЕКОВга, Олимжон САЛИМОВга, Виктор Константинович МИХАЙЛИЧЕНКОга, Ойкарам Аркиновна ҲАЛИМОВАга, Муҳаммадсоли Абдуллаевич ЮСУПОВга** — М. Горький номли Фарғона вилояти ўзбек мусиқали драма ва комедия театри саҳнасида қўйилган «Темир хотин» спектакли учун; **Матниёз ЮСУПОВга** — «Хоразм мақомлари», «Ўзбек халқ мусиқаси» 5 жилдли тўплами учун; **Мирзоҳид Мирсодиқович АШИРОВга, Аҳад Мирсодиқович АШИРОВга** — ёғоч ўймакорлигига оид «Пешайвон» меъморий қурилмаси учун.

Рўзнома таҳрир ҳайъати юксак мукофотга сазовор бўлган ижодкорларни қизғин қутлайди ва уларнинг келгуси ишларида муваффақият тилайди.

Тўқувчи касбини танлаб

Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўла қувват билан ишлаши учун ҳозир бир ярим минг нафардан кўпроқ одам етишмаяпти. Бу муаммони корхона учун ҳал этишни кадрлар тўплаш ва тайёрлаш ёшлар маркази ўз зиммасига олди. Бу ерда ёш ишчиларни ўқув комбинатида ўқитиш режаси ишлаб чиқилди. 60 нафар малакали тўқувчи ўриндошлик билан ўқитувчи бўлди.

Комбинатнинг комсомол қўмитаси ҳам қўл қовуштириб турмади. У пойтахтдаги 144 ва 176-мактабларни оталиққа олди. Завод ёшлари дастлабки танишув учун юқори синф ўқувчиларини комбинат музейи ва цехларини томоша қилишга таклиф этди. Бу учрашувлар чоғида ўқувчилар тўқимачилик касбларининг ўзига хос хусусиятлари билан танишдилар.

Почта ходимлари учрашуви

Тошкентда жумҳурият почта ходимларининг биринчи анжумани бўлиб ўтди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида почта ходимлари ишини яхшилаш ва такомиллаштириш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида манфаатдорлик билан сўз юритилди. Почта ходимлари ўзларининг оғир ишларида тўплаган тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Ўзбекистондаги энг яхши почта ходимларининг конкурси ўтказилди. Ғолибларга совринлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Анжуман иштирокчилари манфаатдор корхоналар ва ташкилотлар жамоаларига почта ишини такомиллаштириш юзасидан мурожаатнома қабул қилдилар.

Жумҳурият Алоқа вазирлигининг почта алоқаси ва матбуот нашрларини тарқатиш бошқармасининг бошлиғи Ю. Р. Мухчи шундай деди:

— Анжуман почта ишини такомиллаштириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини кўрсатди. Бозор иқтисодиётига аста-секин ўтиш муносабати билан олдимизда айниқса жиддий вазифалар турибди. Почта ходимлари анжуманида ўртоқлашилган иш тажрибаси умумлаштирилиб, хизматимиз бўлинмаларида оммалаштирилади.

Дардкашлик

Афғонистондаги бемақсад ва жиноятkорона урушда жабр кўрган йигитларимиз тақдирини енгиллатиш учун кўпгина ишлар қилинмоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ўзининг навбатдаги сессиясида коммунал хизмати ходимлари учун қурилаётган ва уларни дам олиб, даволанишларига мўлжалланган замонавий кошонани собиқ «афғон»лар билан баҳам кўриш, бинони шунга мослаб жиҳозлаш ишини жадаллаштириш керак деган қарор қабул қилди ва қўшимча маблағ ажратди. Ҳамза ноҳияси комсомол қўмитаси ва суғурта бўлими шу ноҳияда истиқомат қилаётган ўн етти «байналмилал»чи ногиронларнинг ҳаётларини суғурта қилиш борасида жонбозлик қилишди. Комсомолларнинг сардори Баҳодир Садриддинов ва суғурта бўлимининг бошлиғи А. Н. Алоевнинг уддабуронлиги қўл келди. Улар «Биолог», «Восток» ширкатлари жамоасининг мурувввати туфайли ўн битта йигитнинг ҳаётларини уч йилга суғурта қилдирдилар. Белгиланган муддат ўтгач, ҳар бир «афғон» ногирон 1000 сўмдан пул оладиган бўлади. Тошкент авиабирлашма жамоаси эса қолган олти йигитнинг ҳаётларини яна ҳам кўпроқ миқдордаги суммага суғурта қилишни ўз зиммасига олди.

— Бу ишнинг бошланиши холос, — дейди ноҳия суғурта бўлимининг бошлиғи, — ўнлаб корхоналар бундай хайрли ишни қўллаб-қувватлашларига интилмоқдалар.

Неъматжон ҲАСАНОВ,
ТошПИ доценти.

Экология ва ёшлар

Оролбўйида бир йўла иккита янги ёшлар экология маркази пайдо бўлди. Булар — Нукус шаҳрида ташкил этилган «Орол» ва Урганчдаги «Жайҳун» марказларидир. Бу марказларнинг ташкил этилиши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий билимгоҳининг ёш олимлари ва талабалари уюштирган илмий экспедициянинг ўзига хос якуни бўлди. Экспедициянинг мақсади Амударё сув ресурсларидан фойдаланишнинг табиий-хўжалик шароитларини ўрганишдан иборат эди. Экспедиция дарё манбаидан йўлга чиқиб, минг километрдан кўпроқ масофани босиб ўтди ва Орол денгизига етиб борди. Энди Оролбўйи муаммоларини ҳал этишга Хоразм ва Қорақалпоғистон ёшлар экология марказларига бирлашган маҳаллий илмий кучлар ҳам қўшилади.

Эронда зилзила

ТЕҲРОН, 17 декабрь (ТАСС). Якшанбадан душанбага ўтар кечаси Эрон жанубида кучли зилзила бўлди. Зилзила маркази Эрон пойтахти жанубидан 700 километр масофада — Боразжон шаҳри атрофида бўлган. Теҳрон дорилфунуни геофизика марказининг маълумотларига қараганда, ернинг энг қаттиқ силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллни ташкил этган. 16 киши жароҳатланган, вайронагарчиликлар кўп бўлган.

Шу сонга хабар

Долзарб мавзу

ҲОЛВАНИ ҲОКИМ ЕЙДИМИ?

Бухоро вилоят фирқа ташкилоти конференцияси маърузасида қуйидаги жумлалар диққатимни тортди: «Навоий электрохимия заводи жамоасида ҳам амалий шерикчиликнинг янги намунаси шаклланган. Ҳозирги пайтда завод маҳсулотлари Англия, АҚШ, Куба, Венгрияга етказиб берилмоқда. Франциянинг «Рон-Полен» фирмаси билан ҳамкорликда фазолон ишлаб чиқариш, Ғарбий Германиянинг «Шеринг» фирмаси билан эса ғўза учун хатарсиз бўлган дефолиант ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда» («Бухоро ҳақиқати», 1990 й. 8 май).

Ҳа, ҳозир чўпон ва деҳқондан бошқа барча касб эгалари чет эл корхоналари билан иқтисодий алоқа ўрнатишни маъқул кўрмоқда. Шўрлик чўпон яйловдан, деҳқон эса даладан бўшаб ҳеч ёққа чиқолмайди. Уларнинг оёқларига азалдан тушов солиб қўйилганди. Ҳозир ҳам қўллари бўш бўлса, оёқлари тушовда. Деҳқоннинг тушовлардан озод бўладиган куни келармикан?

— Бу аввало, хўжаликларнинг мустақиллигига боғлиқ, — дейди электрохимия заводи раҳбарлари. — Мана биз ҳам бир вақтлар бюрократ қўлида ўйинчоқ эдик. Энди уларнинг ҳар қандай тўсиқларини енгиб ўта оламиз.

Бу корхонанинг Навоий шаҳрида пайдо бўлганига ўн йилдан ошди. Заводнинг айрим цехларини жиҳозлашда чет эл корхоналари вакиллари иштирок этишди. Бироқ корхона кутилган иқтисодий самара бермади. Шундай бир пайтда ҳукуматнинг қатор қарорлари завод ишчилари жонига оро кирди. Бундан икки ярим йил олдин корхона «Союзагрохимэкспорт» ташқи савдо фирмаси орқали чет элга маҳсулот сотиш имкониятини топди. Албатта, бунда Минерал ўғитлар саноати вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси, СССР Савдо саноат палатаси катта роль ўйнайди.

Дастлабки шартномага мувофиқ, корхона Венгрия Жумҳуриятига 146 тонна дидрон гербициди етказиб берди. Бунинг эвазига Венгриядан трикотаж, мебель, халқ истеъмоли молларини олишди. Худди шундай ўтган йили Англия Навоий кимёгарларидан 150 тонна которан маҳсулотини қабул қилиб олди. 1990 йилда эса бу рақам икки баробар кўпаяди. Бундай ўйлаб қарасак, бу ҳамкорликни жумҳуриятда кенг жорий қилишга арзийди. Бироқ бу нарса завод ишчилари, шаҳар аҳолиси учун ғоят қимматга тушаётганини корхона раҳбарлари ўйлаб кўрганмиканлар?

Кейинги пайтларда ушбу корхонада касб касаллиги кескин даражада ошди. 1987 йилда ҳар юз ишчидан 62,5 нафари касалга чалиниб, 605 кун ишга ярамаган бўлса, 1988 йилда бу кўрсаткич 67,4 ва 648,6 га етган. Фозолон ишлаб чиқаришда касб касаллиги энг юқори даражага чиққан. 1988 йилда шаҳарда 30 та касб касаллиги рўйхатга олинган бўлса, унинг аксарияти мана шу корхонага тўғри келади. Бир йилда электрокимё комбинатидан 2300 минг кубометр саноат чиқиндилар ер ости сувларига қўшилиб кетаётгани бутун Зарафшон воҳаси аҳолиси учун катта ташвиш туғдирмоқда. Аммо бу рақамлар Навоий электрокимё корхонаси раҳбарларини деярли ташвишга солмайди. Кимёгарлар қандай бўлмасин иқтисодий фойда олиш учун чет эл корхоналаридан кўпроқ буюртма олмоқдалар.

Улар маҳсулот билан бирга инсон саломатлигини, болалар келажагини қўшиб экспорт қилишмоқда. Чет элдан тушадиган валюта Иттифоқ Кимёгарлиги вазирлиги хазинасини тўлдирмоқда. Чунки, корхона жумҳурият иқтисодий тармоғини четлаб ўтади. Ўйлаймизки, жумҳуриятимизда тузилажак ташқи иқтисодий алоқалар Давлат қўмитаси бу йўналишда тегишли тартиб ўрнатади. Ери, суви, ҳавоси булғанган ўлкамиз фуқаролари мамлакат хазинасини валютага тўлдираман, деб дунёга келмагандир, ахир?

Яқинда Навоий шаҳар фирқа қўмитасида экология муаммоларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда «Навоиазот» бирлашмаси бош директори В. С. Крупин матбуотда экологик муаммолар тўғрисида ёритилган айрим мақолаларни кескин рад этди.

— Матбуотнинг экологик муаммоларни дадил кўтариб чиқаётгани тўғри, — деди у. — журналистлар бизни ҳам тушунишлари керак. Биз/ҳар йили 700 минг тонна селитрани жумҳурият хўжаликларига жўнатамиз. Қолаверса, Хитой, Покистон, ГФЖ каби йирик давлатлар бизнинг маҳсулотларимизга харидор. Мабодо бирлашмани ёпадиган бўлсак, у вақтда биз селитрани яна валюта баҳосида чет элдан келтиришга мажбур бўламиз. Ўзбекистон деҳқончилигида кимёвий моддаларсиз юқори ҳосил олиш мумкин эмас. Бу сўзларни В. С. Крупин бекорга айтаётгани йўқ. Яқинда В. С. Крупин Англияда бўлиб қайтди. Бош директор англияликларга «Навоийдан истаганча кимё маҳсулотини сотиб олишларинг мумкин», деб катта кетиб юборди.

Ҳолвани ҳоким, калтакни етим ер, деганлари шу бўлса керак. Ўртоқ Крупин Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессияларида бошқа фикрни айтадию, амалда унинг тескарисини қилади. Шу ерда ҳақли савол туғилади: бутун жумҳуриятимизда мусаффо ҳаво учун кураш кетаётган бир пайтда Крупин ва унинг ҳомийларига инсон саломатлигини хорижий давлатларга экспорт қилиш ҳуқуқини ким берди?

Таниқли шўро олими, академик Н. П. Дубинин: «Ҳозир биосферада унга хос бўлмаган икки миллион тоннага яқин кимёвий модда сепилганлиги ва ҳар йили яна 250 минг тонна янги бирикмалар қўшилиб бораётганлиги» ҳақида ёзди. Буларнинг каттагина қисми Ўрта Осиёнинг пахтакор ўлкаларида кенг қўлланилаётган заҳарли кимёвий моддалардан иборатдир.

Ҳар гектар майдонга 54,5 килограмм заҳарли кимёвий модда — ҳар қандай эколог ва шифокорларни ваҳимага соладиган рақамдир. У Ўзбекистонни Совет Иттифоқидагина эмас, балки дунёдаги заҳарли кимёвий моддалар билан энг ёмон булғанган қишлоқ хўжалик ўлкасига айлантирди. Мамлакатимиз бўйича ҳар гектар ҳайдаладиган майдонга уч килограмм, АҚШда эса икки килограмм заҳарли кимёвий модда ишлатилади». («Шарқ юлдузи» 1990 йил 3-сон). Матбуот хабарларидан маълум бўлишича АҚШ, ОФЖ, Англия каби йирик давлатларда ўта заҳарли, зарарли кимёвий корхоналар бирин-кетин ёпилмоқда. Шунга яраша деҳқончилик саноатида қўлланиладиган кимёвий моддалар салмоғи кескин камаймоқда. Шунинг учун ҳам улар Навоийдаги кимё корхоналари маҳсулотларини арзон-гаровга сотиб олишмоқда. Ўзбекистон азалдан Иттифоқнинг текин хом ашё базаси бўлиб келгани етмаганидай эндиликда хорижий давлатлар учун соғлиғидан воз кечиб яна кимё маҳсулотларини етказиб бериши бутун халқ устидан ҳақорат эмасми?

Навоий шаҳри атрофида бир қатор қоракўлчилик ноҳиялари жойлашган. Бу ноҳияларда тайёрланаётган қоракўл тери, жун маҳсулотлари мамлакат ичкарисига олиб кетилмоқда. Бизнингча, Навоийдаги қудратли саноат корхоналари мана шу маҳсулотларни қайта ишлашга қодир. Бироқ, саноат корхоналари раҳбарларига бу ҳақда гап очсангиз, елка қисишади.

«Навоиазот» бирлашмасида турли хил маркада толалар ишлаб чиқарилади. Нега энди бу корхонада пахта толасини қайта ишлаш мумкин эмас? Хуллас, қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейишади. Жумҳуриятимизда кейинги уч йил мобайнида қайта ишлаш корхоналари очиш тўғрисида жуда кўп гапирилмоқда. Аммо амалий ишга ўтишда жуда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимизда иқтисодий танглик тобора кучайиб боряпти. Жамоа ва давлат хўжаликларининг иқтисодий манфаатдорлиги йил сайин пасаймоқда. Жумҳуриятимизда жойлашган иттифоқ вазирликлари ихтиёридаги корхоналар эса назоратнинг йўқлигидан фойдаланиб бутун дунё билан савдо-сотиқ қилмоқда. Олинган фойда иттифоқ вазирлиги билан корхона ўртасида «арра» қилинмоқда, иқтисодиётдаги бундай нотўғри ёндашув туфайли жумҳуриятимиз ҳар томонлама зарар кўрмоқда.

Иттифоқ идораларининг тақсимланишига кўра, жумҳуриятда етиштирилаётган пахта толасининг 87,5 фоизи, қоракўл терининг 88,5 фоизи, табиий жуннинг 70,5 фоизи, пилла ва бошқа хом ашёнинг 11,6 фоизи мамлакатнинг бошқа ўлкаларига ва четга чиқарилмоқда. Ана шу энг муҳим хом ашё ресурсларидан янада самарали фойдаланиш ва жумҳурият манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши ҳузурида хом ашё ва енгил саноат маҳсулоти таъминоти ва уларни сотиш бош бошқармаси тузилганлиги сўниб қолаётган умид шуълаларига қайта аланга берган бўлди.

Яқинда жумҳурият рўзномаларидан бирида Навоийда экология муаммолари қандай ҳал этилаётгани ҳақида каттагина мақола эълон қилинди. Унда рўзнома мухбири Навоийда экологияни назорат қилувчи ташаббускор гуруҳ тузилгани, бу гуруҳга шаҳар фирқа қўмитаси иккинчи котиби раҳбарлик қилаётгани ҳақида ошириб-тошириб сўзлайди. Мақолани батафсил ўқиб чиққан киши мухбирнинг саноат корхоналарига бормаганини билиб олиши қийин эмас. Аммо шаҳардан чиқиб кетар экан, «Навоиазот» бирлашмаси мўриларидан тутун камайганлигини ташаббускор гуруҳ фаолиятига боғлайди. Ва мухбир мўрилардан чиқаётган тутунларнинг камайишидан шаҳарда экологик аҳвол ўзгаряпти, деб хулоса чиқаради. «Навоиазот» бирлашмаси мўриларидан бир меъёрда тутун чиқиб туришидан бехабар мухбир оммани осойишталикка чақиради. Наҳотки, рўзномачи бу улкан бирлашманинг салкам 30 йилдан бери нафақат ҳавони, балки ер ости сувларини заҳарлаб келаётганини билмаса?

Кейинги пайтларда Навоий саноат корхоналарининг бутун Зарафшон водийси табиатига катта зарар етказаётгани ҳақида жуда кўп мақолалар эълон қилинди. Афсуски, нуфузли жойларда айтилаётган танқидий фикрлар елга соврилиб кетмоқда. Негаки, Навоий саноат ўлкасида жойлашган корхоналарда цех бошлиқларидан тортиб бош директорлик курсисини эгаллаб турган кишилар" орасида маҳаллий миллат вакилларини топа олмайсиз. Борлари ҳам ўзлигини унутганлардан. Шунинг учун ҳам жумҳурият матбуотида босилган танқидий мақолаларни кимдир таржима қилиши керак. Таржимон эса ҳар қадамда топилавермайди. Бу эса кар қулоққа танбур чертиш билан баробардир.


Навоийда экологик муаммоларни ҳал этишнинг қатор йўл-йўриқлари бор. Мамлакатимизда, жумладан жумҳуриятимизда иқтисодий инқироз тобора кучайиб бораётган бир пайтда кимёвий корхоналарда харидоргир моллар ишлаб чиқариш вақти келмадимикан? Келган. Ҳатто, бу йўналишда 2000 йилгача тадбир ҳам белгиланган. Расмий маълумотларга кўра, шаҳар корхоналарида шу муддат ичида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 4.7 марта кўпайиб, унинг умумий қиймати 327.4 миллион сўмга етиши керак. Шаҳардаги йирик корхоналар Навоий цемент заводида халқ истеъмол моллари белгиланган муддатда 24,6 марта, «Навоиазот»да 16,6 марта, Навоий тоғ-металлургия комбинатида 9,8 марта ўсиши режалаштирилган.

Жумҳуриятимизда пестицид моддаларини қўллаш қатъий ман қилинди. Шунингдек қишлоқ хўжалиги бошқа экинларига зарарли кимёвий моддалар билан ишлов бериш таъқиқланди. Унда жумҳуриятимиздаги 30 дан ортиқ кимё корхонаси кимнинг фойдасига ишламоқда? Демак, кимёвий моддаларга эҳтиёж туғилмаётган экан, ўғит ишлаб чиқарадиган корхоналарни ёпиб қўйиш ёки уларда ишлаб чиқаришни бошқа соҳаларга буриб юбориш пайти келганга ўхшайди.

Аммо ҳанузгача Навоий шаҳрининг 10 кичик ноҳияси (микрорайон)да истиқомат қилувчилар эрталаб бошқача манзарани кузатишади. «Навоиазот» бирлашмасига олиб борадиган йўллар автомашиналар, тракторлар билан шу қадар тирбанд бўладики, уларни санаб саноғига етолмайсиз. Наҳотки, инсон шунча йил кимёвий моддага тўйинмади. Инсон саломатлигини сотиш, атроф-муҳитни булғаш ҳисобига жарақ-жарақ валюта санаб олаётган корхона раҳбарларининг жумҳурият билан ҳисоблашадиган вақти келди, бизнингча.

Ҳамма нарсани сотиш мумкин. Аммо муқаддас заминимизнинг топталишига, келажагимизнинг поймол қилинишига йўл қўя олмаймиз.

Маҳмуд МАРДИЕВ.



Задарё ноҳиясидаги Наманган давлат хўжалиги сут-товар фермасидаги чорвачиликка мослашган кичик «ДШ—16» транспорт трактори ўрнини от-арава эгаллади. Хўжалик бош зоотехниги Қурбонали Жўраевнинг таъкидлашича, от-арава транспорт тракторига нисбатан анчагина камчиқим бўлиб, фермадаги иш унумдорлигини оширишга, табиат мусаффолигини сақлашга ёрдам бераётир. Шу йўл билан ёқилғи, эҳтиёт қисмлар тежалиши туфайли жамоа бу йил 12 минг сўм маблағни иқтисод қилишга эришди. Қўзимурод Ураев ўзи бошқараётган от-арава билан фермадаги оилавий бузоқбоқарлар звеносига катта наф келтиряпти. Мазкур звенода 300 бош бузоқ парваришланмоқда. Яқин орада фермада от-аравалар сони яна 3 тага кўпаяди.

СУРАТДА: Қўзимурод Ураев от-араваси билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАШРАБ АВЛОДЛАР ХОТИРАСИДА

Андижон вилоятининг Балиқчи ноҳиясидаги 1-ўрта мактабга ўрта асрда яшаб ижод қилган машҳур ўзбек шоири Машраб номи берилди. Мактаб тарбиячилар жамоаси билан унинг ота-оналар қўмитаси тавсияномасини қониқтириб, халқ депутатлари ноҳия кенгаши шундай қарор қабул қилди.

Машраб бу ерларга келганлиги тўғрисидаги ҳикоялар балиқчиликларнинг авлодидан авлодига ўтиб келмоқда. У ўзининг кўпгина шеърий сатрларини ана шу ерларга бағишлаган.

Энди шоир номи билан аталаётган мактабда эски ўзбек алифбосини ўрганадиган синф, шунингдек қадимги китоблар музейи ташкил этилди. Болалар ўтган асрларда яратилган қўшиқлар, куйларни, эски расм-русумларни излаш билан ҳам шуғулланишмоқда. Ана шуларнинг кўпчилиги билан музейда танишиш мумкин.

Машраб маъракасига эса мактабда шоирнинг тарихий-адабий музейини очиш режалаштирилмоқда.

ХУШХАБАРЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН комсомоллари Мўйноқ марказий касалхонасига тўрт мингдан зиёд шприц ва улар учун игналар олиб бердилар. Бундай хайрия тадбирини ўтказиш ғоясини Ўзбекистон комсомолининг яқинда тугалланган съездида жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Р. Кучликова ўртага ташлаган эди. Ғояни бир неча кун ичида амалга оширишга муваффақ бўлинди.

* * *

СУРХОНДАРЁ вилоят матлубот жамияти Бойсун Болалар уйининг тарбияланувчиларига қишки кийим-кечаклар совға қилди. Кооператорлар Болалар уйига жами ўн минг сўмликдан кўпроқ тикувчилик ва трикотаж буюмлари, пойафзал бердилар.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ Фанлар академияси электроника илмгоҳи махсус конструкторлик технология бюросининг олимлари металл буюмлар юзасини занг ва бошқа нарсалардан тозалашнинг тамомила янги усулини таклиф қилдилар. Қисмларни лак ёки занглашга қарши модда билан қоплашдан олдин уларга электр ёй разряди билан ишлов берилади. Янги усул ишлов беришнинг анъанавий усулларидан анча самаралироқ бўлиб, у тозалаш сифатини анча яхшилайди ва атроф муҳитни булғатмайди.

* * *

ФОРИШ ноҳиясидаги хотин-қизлар учун «Билим» жамиятининг маҳаллий бўлими уч ойлик махсус курслар очди. Улар бу ерда тиббиёт ҳамшираси кўникмаларини эгаллайдилар. Қишлоқ жойларида шифокорнинг келишини кутмасдан ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатишнинг аҳамияти катта. Бу кўникмалар айниқса даволаш муассасаларидан ўнлаб километр олисда жойлашган қишлоқларда асқотади. Қишлоқ хотин-қизларига табобат алифбосини ноҳия марказий касалхонасининг мутахассислари ўргатишмоқда.

(ЎзТАГ).

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

ХАЙРИХОҲЛИК

Муштарийлар ёдида бўлса, рўзномамизнинг 6 август сонида Н. Жалилнинг «ОДАМЛАР ИШОНСИН СИЗЛАРГА» мақоласи чоп этилганди. Мақолага жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Ш. КАРИМОВ имзоси билан жавоб олдик.

«Кўпчиликнинг севимли рўзномаси ҳисобланган «Ёш ленинчи»нинг шу йил 8 август сонида чоп этилган бу мақола Соғлиқни сақлаш вазирлигида атрофлича ўрганилиб чиқилди.

Мақолада экстрасенслик қобилиятига эга бўлган кишилар учун вазирликда алоҳида уюшмами, бўлимми ёки махсус кўрикдан ўтказувчи комиссиями тузилиши таклиф этилган.

Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1989 йил 25 июлда чиқарилган 536 сонли буйруғига биноан экстрасенслик қобилияти бор шахсларни аниқлайдиган мутахассис олимлардан иборат комиссия ташкил этилган ва ишлаб турибди. Шу комиссия тавсиясига кўра ғайритабиий қобилиятга эга бўлган кишилар илмий текшириш билимгоҳларида, клиникаларда, диагностика марказларида ўз ўқувларини амалда синаб кўриш имкониятига эгалар.

Инсон саломатлиги катта бойлик. Беморни даволаш эса энг масъулиятли иш. Масалага холисона ёндашадиган бўлсак, саломатликни асраш, даволаш ишлари билан шуғулланиш фақат махсус олий тиббий маълумотли кишиларга қонун томонидан рухсат этилганлигини унутмаслигимиз керак.

Бугунги қайта қуриш, ошкоралик даврида кўпгина тиббиёт муассасаларимизнинг моддий техника базаси ночорлигини, дори-дармонлар танқислигини, айрим шифокорларимизнинг бемор қалбини ўзига ром эта олмаслигини очиқ тан олишимиз жоиздир. Модомики шундай экан, тиббий хизмат соҳаларини кенгайтириш ва сифатини оширишга интиляпмиз, шифобахш ўтлар билан даволаш, халқ табобатига мансуб даволаш усулларига ҳам кўп аҳамият берилмоқда. Биз дори-дармонларсиз соғломлаштириш усулларидан фойдаланишга тайёрмиз, чунки кимёвий дориларни кўтаролмайдиганлар ҳам анчагина.

Тиббиётимиз олдидаги муаммоларни ҳисобга олиб, халқ табобати усулларидан амалиётда фойдаланиш мақсадида вазирликка қарашли Н. А. Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш билимгоҳи қошида Шарқ табобати маркази ташкил этилди. Экстрасенслар ҳам ана шу ерда ўз қобилиятларини муносиб намоён этадилар, деган фикрдамиз.

Лекин истаган кишининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги комиссия ҳужжатисиз, хусусий ёки назоратсиз фаолият кўрсатиши, айрим ташкилотлар ўзларининг биноларини ҳужжатсиз кишиларга ижарага беришлари қонунга зид равишдаги ҳолатдир. Қонунга зид равишда барча ҳаракат фақат қаллоблик, лўттибозлик, фирибгарлик, хаста кўнгиллар азоб-уқубатлари ҳисобига бойлик орттириш, халқни талашдан бошқа нарса эмас. Вазирлик ҳақиқий халқ табобати вакилларига ўз хайрихоҳлигини билдиради.

Яқинда, томир уриши орқали касалликни аниқлаш соҳасида қобилиятли экстрасенс наманганлик М. Умаров олимларга ўз хизматини таклиф этди. ССЖИ Фанлар академияси умумий физика илмгоҳининг оралиқ диагностикаси илмий тадқиқот тармоқ лабораторияси унинг қобилиятига катта баҳо берди. М. Умаров усулини асос қилиб олган мутахассислар томир орқали касалликни аниқлаш компьютер қурилмасини яратишга киришдилар. Мамлакат Фанлар академияси қурилмани ясашга икки миллион сўм пул ажратди. Шундай кишилар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Сўнгги пайтда қатор нашрлар саҳифаларида турли усуллар билан даволашни ташвиқот қилувчи мақолалар кўп чоп этилаяпти. Бу эса халқни чалғитиб, беморларни ўз вақтида тегишли муолажа олишларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқ табобати мавзуидаги мақолалар чоп этилишига қарши эмасмиз, лекин ана шундай чиқишлар билан бир пайтда вазирлик мутахассисларининг ҳам маълумотномалари чоп этилса, халқимиз саломатлиги йўлида жуда хайрли иш қилган бўлур эдик.

Сўраган эдингиз...

МАСЛАҲАТЛАРИНИ АЯШМАЙДИ

Жумҳуриятимиз ва қўшни жумҳуриятлардан «Ёш ленинчи» рўзномасига келаётган кўпдан-кўп хатлар тиббиётда учрайдиган баъзи тери ўзгаришлари ва соч ҳақида. Бу хатларни шартли равишда тўрт тоифага ажратса бўлади. Булар: юзга тушган доғлар, танадаги оқ доғлар, соч оқариш сабаблари ва сепкил пайдо бўлиши ҳақида фикрлар. Уларни шарҳлаб беришни мутахассисдан илтимос қилдик.

ЮЗГА ДОҒ тушиш сабаби аёл ҳомиладорлигида эндокрин безларининг бузилиши, асосан организмда «С» витаминининг камайиб кетишидир. Юзда — пешона терисида, чаккада қорамтир доғлар ҳосил бўлиб бир-бири билан бирлашиб кетиши мумкин. Албатта, бу пайтда юзга қараш ҳам мумкин ва қарамаслик ҳам, чунки бу доғлар маълум вақтгача бўлади, яъни бола туғилиши билан йўқолиб кетади.

Бундай доғлар юз терисида бошқа пайт ҳам пайдо бўлиши мумкин. Аёлларда ҳар хил ички секреция безларининг хасталиклари олдини олиш учун қўлланиладиган дориларни истеъмол қилишлари ҳам сабаб ҳисобланади. Савол туғилиши мумкин, бу доғлар эркакларда ҳам пайдо бўлади-ку? Бу ҳолатдаги сабабларга қуёшда юз терисининг куйиши, жигар хасталиги, оғир кечадиган касалликлар — туберкулёз, ўсмалар киради. Яна шуни айтиш керакки, бу доғлар ҳар хил тери касалликларидан сўнг қолиши ҳам мумкин.

Юздаги доғларни йўқотиш учун асосан ҳар хил хасталиклардан қутилиш лозим. Булардан ташқари косметолог шифокорларга мурожаат қилинса, ёрдам беришади, деган умиддаман. Уй шароитида бўлса, юзга қатиқ, бодринг суви суртилса, ҳамда кремлардан «Ахромин» қўлланилса жуда ўринлидир.

ТАНАДАГИ ДОҒЛАРГА келсак, улар ҳар хил касалликлар бўлиши мумкин. Агар оқ доғлар бўлса, халқимизда «пес», тиббиётда **«витилиго»** деб юритилади. Охирги пайтда бу кўп учраётган хасталикдир. Касалликнинг асосий сабаби терига ранг бериб турувчи пигмент-меланиннинг маълум бир жойда йўқолишидир. Бу ҳол нерв системаси, ички секреция безлари ва фаолиятининг бузилиши, ирсий омиллар натижасида юз беради. Яна бир сабаби жигар яллиғланишидир. Мазкур орган организмни ҳар хил зарарли моддалардан тозалашдан ташқари, меланин пигментини ишлаб чиқаришда ҳам иштирок этади. Жигарнинг яллиғланиши эса ушбу фаолиятнинг сусайиб кетишига олиб келади. Оқ доғлар бошда кичик бўлиб, кейинчалик улар бир-бирлари билан қўшилиб катталашиб боради ва тана терисининг барча жойида бўлиши мумкин. Бундай пайтда беморлар тери касаллиги мутахассисига учрашишлари лозим. Лекин баъзилар бу доғларни билар-билмас ҳар хил табибларга кўрсатиб, куйдириб терининг бошқа жойларида ҳам касалликни кучайтирадилар. Оқ доғлар терининг баъзи замбуруғ касалликларида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Буни тиббиётда «отрубевидний лишай» дейилиб, тердаги замбуруғлар йўқ қилинса доғлар ҳам йўқолади. Оқ доғлар яна қуёшда кўп юриш натижасида тери ташлаш оқибатида ҳам юзага келади. Оқ доғларни вақтинча билдирмаслик учун терини перманганат калий тузининг эритмаси билан қўнғир рангли қилиб унга суртиш тавсия этилади. Яна шуни айтиш керакки, оқ доғи бор одамлар қуёшда иложи борича кам бўлишса уларнинг кўриниши яққол кўзга тушмайди.

СОЧ ОДАМ ҳуснига ҳусн қўшишдан ташқари ёшни ажратишда ҳам аҳамиятга эга. Сочнинг ўсиши, рангининг сақланиши уни қон томирлари, нервларига ва унга ранг берувчи пигментга боғлиқдир. Соч инсон умри ўтган сайин унда пигментлар етишмаслиги натижасида оқара боради. Аммо ёшларда ҳам бу ҳолат учраб туради. Бош терисида оқ доғ, пес пайдо бўлса ҳам соч оқаради.

Соч оқаришида, албатта организмнинг умумий аҳволи асаб ва ички секреция безлари фаолияти, модда алмашинуви, овқатланиш тарзи, сочни парвариш қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда ҳар хил кимёвий моддаларни ва усулларни соч парваришида қўллаш ҳам ундаги пигментларни йўқотиши мумкин. Бу эса ўз ўрнида сочнинг оқаришига олиб келади.

ЭНДИ СЕПКИЛГА келсак, бу косметик етишмовчилик теридаги сарғиш, қўнғир, қорамтир доғлар бўлиб, сог терида пайдо бўлади ва ҳеч безовта қилмайди. Сепкил 4—6 ёшдаги болаларда пайдо бўлиб, ўсмирлик пайтда ҳам туриши мумкин. Кўпинча наслдан наслга ўтиб туради. Сепкил асосан терига қуёш нури тушадиган ерларда, яъни, юз, бўйин, кўкракнинг юқори қисмида, қўлнинг ташқи томонида пайдо бўлади. Кўп ҳолларда сариқ танли малла одамларда учрайди.


Сепкил баҳор ва ёзда кўпайиб, куз ва қишда унча сезилмайди. Шунинг учун сепкилли одамлар баҳор ва ёз фаслларида қуёш нури тушишидан сақланишлари керак. Бунинг учун ҳар хил қуёш тўсқичлар, узун енгли кийимлар кийишлари лозим. Юзга эса бу пайтларда «Луч», «Приз», «Аврора», «Молодость», кремларидан суртиш керак. Юз терисига ва бошқа жойларга қатиқ, бодринг пўсти ёки бодринг кесимларидан суртиш ҳам яхши натижа беради.

Юқоридаги маслаҳатларга риоя қилиш эрта баҳордан бошланса, сепкил кўпайишининг олди олинган бўлади.

Юқорида айтилган сабаблар ва уларнинг олдини олиш албатта, қисқача бўлди. Юқоридаги ҳолатларда ҳар бир киши ўз турар жойидаги мутахассисларга мурожаат этишса нур устига аъло нур бўларди, деб ўйлайман. Улар ўз маслаҳатларини аяшмайди, албатта. Шулардан бири жумҳурият тери ва таносил касалликлари илмий текшириш билимгоҳи консультатив поликлиникасида ҳар шанба куни соат 10.00 дан 14.00 га қадар очиқ эшиклар куни ўтказилади. Паспорт билан қабулга келиш мумкин.

К. А. ЙУЛДОШЕВ,
Жумҳурият тери ва таносил касалликлари илмий текшириш билимгоҳи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди.

Ахлоқ мавзуида



...Фожиа тонг саҳарда юз берди. Ҳатто пастки қаватда истиқомат қилувчилар бу хонадонда нима бўлганини ҳам англамай қолишди. Кун ёришиши билан милиция ходимларининг шу атрофда ўралашиб қолишганидан огоҳ бўлган қўни-қўшнилар одатдаги жанжал юз берган бўлса керак, деган хаёлга ҳам боришди. Аммо болаларнинг қий-чуви тинмаётганини эшитишгач, бир-бирларига сирли боқиб қўйишарди. Бу оиладаги икир-чикирдан бохабар бўлганларга ҳаммаси тез орада ошкор бўлди-қўйди. Катта ўғил ва уй бекаси оламдан бевақт ўтганди. Аниқроғи кимдир уларнинг жонига қасд қилибди. Қотилни қидиришга эса ҳеч ким шошилмасди. Чунки тиғ тутган номард шу ерда бошини ҳам қилганича, терговчининг саволларига жавоб бериб ўтирарди. Тўпланганлар қай кўз билан кўришсинки, у хонадон соҳиби, аниқроғи ўз хотини ва ўгай ўғлининг ҳаётига зомин бўлган Муслим қассоб эди...

Назокатни жуда эрта турмушга беришди. Аслида уларнинг оиласи Андижондан бир сабаб билан Тошкентга кўчиб келишганди. Бахтга қарши отасининг умри қисқа экан, юрак хасталиги билан кетди. Оила тўнғичи — Назокат онасига кўмакчи эди, қўлидан келган юмушни бажарарди. Нафиса опа мактабда фаррошлик қилса-да, аслида унинг юмушини қизи бажарарди. Аёлнинг қўлида ҳунари бор экан, у-бу тикиб, тирикчилик қиларди. Турмуш ташвиши билан Назокат мактабга ҳам қатнай олмади. Кўпинча англаб-англамай онасининг: «Қиз бола ўқиса олим бўлармиди» — деган гапига қўшилиб ҳам қўярди.

Шу алпозда вояга етган Назокатни ўзларига яқин оилага беришди. Бояқишнинг бахти очилганидан онасининг боши осмонда. Ҳар на қилганда отасиз ўсган қизининг кўнгли озор чекишини у истамасди. Куёви ҳам бамаъни йигит экан. Инсоннинг пешонасига нима ёзилганини олдиндан билиш қийин. Фалокат кутилмаганда юз берди. Назокат эрини ишга кузатар экан, унга негадир узоқ тикилгиси келар, кулиб турган юзига боқиб тўймасди. Айниқса, Илҳомнинг бот-бот орқасига бурилиб қараши, ўғлининг жажжи бармоқларини ўйнаши, кулча юзидан чўлп-чўлп ўпиши Назокатга табиий туюлса ҳам юрагининг қайси бир бурчагида ўз-ўзидан ачиниш ҳосил бўлганини гоҳ англар, гоҳ унутарди. Шу ҳолатда кун кеч бўлди. Ўша тун ҳеч ким ухламади ҳисоб. Гўдагини ёнига қўйиб бедорликда хаёл оғушига берилган Назокат эшикнинг қаттиқ тақиллашидан чўчиб тушди. Қайнотаси овоз бериб, дарвоза очди-ю, зум ўтмай қаёққадир жўнаб қолди.

Куннинг иккинчи ярмида Назокат ўзини йўқотиб қўйди деса камлик қилар. У суқсурдек турмуш ўртоғини бутунлай йўқотганди. Илҳом ишдан келаётганда уни кайфи тароқ бўлган йигитча бошқарган машина уриб кетган ва касалхонага келмай, бандаликни бажо келтирган экан.

Бу жудолик уни гангитиб қўйди. Эри билан бирга бу хонадондан файз ҳам кетди. Онаси қизининг сурат бўлиб қолган афт-башарасига термилар экан:

— Қизим истасанг олиб кетай, биз билан бўлсанг бироз кўнглинг ёзилар, энди куёвингни қайтариб бўлмайди, — деган гап қилди.

Бунга эрининг ота-онаси ҳам монелик қилишмади. Тақдирга тан бериб бир яшар ўғилчаси билан қайтиб келди. Қиз бола бир чиққан жойининг остонасини қайта босмагани маъқул экан. Бамисоли у ўз жигарларига ҳам бегона бўлиб қолганди. Назарида, атрофидагилар унга ўгай кўз билан қарашарди.

Орадан 1—2 йил ўтгач, бир икки йигит одам қўйди. Албатта, эридан бевақт жудо бўлган, боласи билан онасиникида турган аёлни кўп ҳолларда хотини вафот этган ва ёши бир жойга бориб қолганлар суриштиришарди. Бир-икки сўраб келувчиларни рад қилгач, уларнинг эшигини ҳеч ким тақиллатмай қўйди. Ана шундай назардан қолишдан ёмони йўқ экан. Дардингни кимга айтишни билмайсан. Назокат икки ўт орасида қолганди. Аслида турмушга чиқишга ҳеч хоҳиши йўқ. Чунки эндиги рўзғори бамисоли илиган ошни эслатиши турган гап. Аммо яна оила қурмасдан ҳам иложи йўқ. Чунки бўй етган укалари бахтига ҳеч қачон тушов бўлолмайди.

У узоқ иккиланишдан сўнг охири Муслим қассобга розилик берди. Агар уни ҳам рад этса, сўнг бир умр турмушга чиқа олмасдек туюлди. Ўзидан 23 ёш катта бу одамни бундай тузукроқ била олмади ҳам. Фақат илгарги оиласидан бўлган фарзандлари аллақачон катта бўлиб кетишгани, хотини қазо қилганига анча бўлиб, ҳозир ўзи якка қолгани боис янги турмуш қуришга қарор қилганини била олди, холос. Ана шу ҳолда у ўзини боши берк кўчага урди.

Назокат учун орқага қайтишнинг иложи бўлмади. Бир бор бошини эгиб кириб келгани етар. Энди, нима деб боради? Ўзидан анча катта бўлган эри қош-қовоқ, айтган сўзини қилдирадиган, ҳар куни қонга булғанган кийимларини ювдириши жонига текканидан нолийдими? Инсон меҳнат билан, турмуш машаққати билан ўлмайди. Чидаш керак! Ҳали ёруғ кунлар олдинда, дея Назокат ўзига-ўзи далда берарди. Қассоб эри эрта кетиб, кеч қайтарди. Албатта, рўзғори ҳам шунга яраша. Аммо ҳар гал топган-тутганини уйга келтирмасди, Эрининг ёшини ҳурматлаб, унга гап қайтаролмасди. Шу ҳолда умр ўтиб борарди. Бирин-кетин уч фарзанднинг дунёга келиши Назокатнинг бир ташвишини ўн қилди. Энди у бамисоли ғилдирак сингари хонадонда айланарди. Кеч-қурунга бориб, адойи-тамом бўлгани фақат ўзигагина аён эди, холос. Ўзларига яқин бўлган турар-жой идорасига фаррош бўлиб ишга ўтди. Ҳар қалай болалари билан юмушни бир ёқли қилар, деган ўйда шунга қўл урди.

Турмуш машаққатлари туфайли сочларига оқ оралаганини ҳам сезмай қолди. Яна бир нарса, илгариги оиласидан орттирган ўғлининг бўй чўзгани ҳам унга умид бағишларди. Рустамнинг овози дўриллаб, мўйлаби сабзи урганини бирдан англади. Аммо унинг учун бош ўғли ҳали ҳам гўдак ва негадир, уни ўзига яқин олиб, гоҳида сийпагани-сийпаган. Нега шундай қилади, ўзи ҳам билмайди.

Аксига олиб эрининг Назокатнинг ўғлига бўлган меҳрига бошқача назар ташлаши уни ташвишга солган. У ҳар қандай эркак, ўз пуштикамаридан бўлмаган болага меҳр қўймаса керак, деб Муслим қассобнинг хатти-ҳаракатларига, сирли боқишларига бефарқ бўларди. Эргаштириб келганини эрининг ғайри-табиий кузатиши унга шунчаки бўлиб кўринган. Ҳар қалай унинг кўзи очиқ экан, эри Рустамни хафа қилолмайди. Шу кунгача ўғлининг кўнглини оғритмаган, бундан кейин ҳам, худо хоҳласа, шундай бўлади. Баъзан фарзандини ҳаддан ортиқча ардоқлаётганини фош қилиб қўйганини ўзи ҳам билмасди. Укалари ҳам буни сезиб қолишганди.

— Рустамни жуда яхши кўрасиза, — дея оналарига таъна қилгандек бўлишарди.

— Асло, ҳаммаларинг менинг кўз қорачиғимсизлар, — дея уларнинг сўзига парво қилмасди.

Эри кейинги вақтда қассобчиликни қўйиб, шу яқин орадаги қурилишда қоровуллик қиларди. Бот-бот қўни-қўшнилар уни ёрдамга чақиришар ва тўй-маъракаларга атал-ган қўйларни нимталарди. Назокат эридаги бир ҳолат, кейинги пайтда негадир унинг ҳадиксираб қолганини бирдан сезиб қолди. Муслим ака юрганда ҳам, турганда ҳам нимадандир чўчиганга, ўзига ва атрофидагиларга ишончини йўқотган одамдек талмовсираб юрарди. Айниқса ишни ташлаб, уйига хуфёна келгач, хоналарни бирма-бир айланиб чиққани, Назокатга ғалати туйиларди. Олдинлари Муслим акадаги бу ҳолатни кўриб:

— Сизга ўзи нима бўлди, биздан хавотир олманг, қўрқмаймиз, — дегандек гап қилди. Аммо эрининг:

— Сенинг ақлинг ҳеч нимага етмайди, — дея жеркиб ташлагани ярасига туз сепарди.

Эридаги кўнгил хиралик тез орада ўзини фош этиб қўйди. Бир куни эр-хотин якка қолишганда Муслим қассоб «ёрилди».

— Назокат, ўғлингни онангникига жўнат, энди катта бўлиб қолди, — деди.

— Нега, яқинда армияга боради, у сизга оғирлик қилмайди, — Назокатнинг овози ўз ўзидан ҳавода муаллақ қолиб кетганди.

Эри шу гап билан тинчимади. Унинг ҳадиксирашлари кундан-кунга газак ола бошлади. Бир неча бор Рустамга хезланди. Орага Назокат тушиб, фалокат барҳам топди. Назокатни эрининг феъли-куйи кун сайин ўзгараётгани, энг ёмони, ўғлини ундан рашк қилаётгани куйдирди. Наҳотки Муслим қассоб шу хаёлга борса-я, ахир она билан бола ўртасидаги меҳрнинг ўлчови йўқ-ку! Наҳотки уни ўзимга яқин олганимни бошқача тушунган бўлса-я, дея ўз хаёлларидан ўзи қўрқиб кетарди. Аммо қўлидан ҳеч вақо келмасди. Икки орадаги бўлмағур фикрларни қандай йўқотишни билмай боши қотарди. Унинг учун эт билан тирноқни ажратишдан мушкулроқ вазифа кўндаланг бўлганди. Ўғлидан ажролмагандай, эрини ҳам ташлаб кетолмасди. Ундан болалари бор. Хуллас, бошини қаерга уришни билмай гаранг. Буни ўғлига қандай тушунтиради? Эрига нима дейди? Бамисоли икки ўртада олов бўлиб ёнарди.

Ўша оқшом эрининг ишда эканлиги бир оз бўлса-да кўнглини тинчлантирди. Икки-уч кундан бери уйда бўлиб роса жонига теккканди. Унинг ғингир-ғингиридан боши қотди. Бояқишга эрисиз ўтган тунлар жуда калта туйиларди. Мириқиб ухлашига етмайди-я. Муслим ака уйда бўлган кеча беҳаловат ўтар ва ҳар дақиқада жанжал чиқиб, осойишталик остин-устун бўлиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Назокат уйдаги гапни кўчага чиқармасликка қанчалик ҳаракат қилмасин барибир бўлмади. Қўни-қўшнилар ҳаётига бот-бот қизиқиш билан қараётгани уни негадир ташвишга соларди. Наҳотки эри ҳаммасини очиб солган бўлса?! Агар, ўғлини ундан рашк қилиб, гап тарқатган бўлса, одамларнинг кўзига қандай қарайди? Инсоннинг юзига қараб баҳо бериш қийин! Зеро, унинг ақли ва юраги ҳар гал тоза бўлмай кўпчиликни қон қақшатади. Ахир ҳар қандай чиройли қиёфадаги шахсдан ҳам фисқу-фасод чиқиши ва беозор дилларни хуфтон қилиши осон масала. Шунинг учун инсонни тили билан дили бир бўлсин дея бежиз айтишмайди.

...Назокат ширин тушидан ногаҳон маҳрум бўлди. Унинг уйқули нигоҳи унга энгашиб турган эрининг баджаҳл қиёфасига тушди. Унинг кўзларига боқиши билан ваҳима босди. Рости, шунча йил яшаб, эрини бунчалик ваҳший қиёфада кўрмаганди.

— Бу ёққа юр, баттол гапимга қулоқ солмадинг, энди ўзингдан кўр, — дея унинг қўлидан тортганича ўғли ётган хонага бошлади. Бенхтиёр Назокатнинг юраги қаттиқ тепа бошлади. Аммо тилсиз унинг орқасидан эргашди. У шовқин чиқариб, болаларини уйғотиб юборишдан чўчирди. Рустам ётган хонага кирди-ю, негадир унинг юзи ёпиқлик турганини ва кўрпанинг қорайиб турганига кўзи тушди-ю, оёқлари қалтирай бошлади. Хотинининг тик туриб қолганини кўрган Муслим қассоб унинг қўлидан силтаб ўғлининг бош тарафига олиб борди-да каллани устидан кўрпани кўтарди.

— Мана қара ўйнашингни аҳволини, — дея биқинига бир тепди. Рустамнинг жовдираган кўзлари қотиб қолганди. Унга Назокатнинг назари тушгач, ундан ўт чақнагандек бўлди.

— Вой, — дея аёл бақирмоқчи бўларди-ю, аммо овози чиқмасди.

Бошидан ҳуши учиб, ғира-шира ёришиб турган хонадаги буюмлар гирдикапалак бўлиб кетди. У беҳол бўлганича ўзини ерга ташлади. Шу дамда эри унинг сочларидан судраб, ювиниш хонасига тортиб борди-да, қўнжидаги ҳали қони қотиб улгурмаган пичоқни биқинига тиқди. Тиғнинг ўткирлигидан Назокат бир ирғиб тушди-ю, аммо овоз чиқаролмади.

— Мана сенга, ярамас, манжалақи! Энди топганинг билан у дунёда бирга бўласан! Аёл баданидан тирқираган қон аввал собиқ қассоб юзига, сўнг шифтга сачради. Муслим қассоб қонларни кўраверib, кўзи қотган бўлса-да, шу дамдаги номаъқул иши нақадар даҳшатли эканлигига ақли етдию, ўтириб қолди. У нима қилишини билмасди. Ҳозир ўзи умрига зомин бўлган ўғли ва хотини жасади олдида узоқ туролмаслигини англаб, ўзини ташқарига урди...

— Мени қаманглар, ҳозир иккитасини ўлдирдим, — дея милицияга борди. Навбатчи олдин уни ақлдан озган эмасмикин, деган хаёлга ҳам борди. Сўнг қўлларидаги қонга нигоҳи тушиб, ҳаммани оёққа турғазди.

Судда қотилни мусичаю бегуноҳ қилиб кўрсатганлар ҳам топилиб қолди. Билмадим, улар қайси ақл билан шу фикрга боришиб, марҳумни ўзи бузуқ эди, шу боис эри ундан рашк қиларди, деган киши ҳаммадан ошиб тушди. Бу кўргиликнинг ҳаммаси нопокликнинг касофати деганлар ҳам топилиб қолди. Э-воҳ, биз ўлганларни ёмонлашга уста бўлиб кетмаяпмизми?! Чунки улар ўзларини ҳимоя қилолмайдилар. Ўзларининг ҳақлигини исбот этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Улар энди тилсиз-забонсиз тупроқ остида, боқий дунёга кетишган. Тириклар бўлса, қилғиликни қилиб, ундан тонишгани қанчалик даҳшат. Бамисоли, ўзларини гуноҳсиз кўрсатиб, бутун айбни кимларгадир ағдариш қўйида бўлишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Муслим қассобнинг ўзи ҳам, яқинлари ҳам Назокатни қоралашда бир-бирларидан қолишмади.

Бундай номардликни кўриб турган Назокатнинг онаси бақириқ-чақириқлардан нари юриш мақсадида хонадан билинтирмай чиқиб кетганини сезиб қолдим. Қари кампирнинг кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Унинг бош фарзанди ва кўз қорачиғи неварасидан жудо қилишди. У дардини кимга айтишни билмайди. Ёши бир жойга бориб турганда худо уни шу куйга солиб қўйган бўлса нима қилсин? «Э, бандалар, худодан қўрқинглар, наҳотки, инсонликни унутиб қўйяпсизлар», деб бор овози билан қичқиргиси келарди-ю, аммо унинг нолишларини эшитадиганлар топилмасди. Уни ҳозир қизининг уйида кўз тикиб ўтирган норасидалар кутарди. Энди уларнинг тақдири нима кечади? Уларнинг мурғак бошини ким силайди? Ана шулар ҳақида ўйларди. Зеро, болаларга қарайдиган ҳеч ким йўқ. Илоҳим худо шу кунини ҳам кўп кўрмасин-да, дея ўзига ўзи дуо қиларди у.

Суд Муслим Юсуповни узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ислом УСМОНОВ.

Хориждан хабарлар

Афғонистон ҳукуматининг баёноти

ҚОБУЛ. (ТАСС мухбири Герман БАЙКОВ). Афғонистон ҳукуматининг бу ерда тарқатилган баёнотида миллий яраш сиёсатининг тўғрилигига ишонган Афғонистон жумҳуриятининг раҳбарияти ҳар қандай даражада афғон оппозициячи партиялари билан ва айрим шахслар билан мулоқот ўрнатишга интилаётганлиги айтилади.

Ана шундай мулоқотлар чоғида уларнинг баъзилари билан муайян ҳамжиҳатликка эришилди. Шу билан бир вақтда бир қанча экстремист тўдаларнинг раҳбарлари, шу жумладан «Афғонистон Ислом фирқаси» раҳбари Гулбиддин Ҳикматёр Президент Нажибуллонинг яқинда Женевада ўтказган учрашувлари ва музокаралари хусусида қатъий салбий фикр айтдилар ва бу учрашув ҳамда музокараларни «жиҳод ишига хиёнат» деб таърифладилар. Бироқ Шўро қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилмасдан олдин Ироқ пойтахтида Афғонистон жумҳурияти ҳукумати билан «Афғонистон Ислом фирқаси» делегациялари ўртасида музокара бўлган эди. «Афғонистон Ислом фирқасининг раҳбари яқинда афғон мужоҳидларининг Пешавор (Покистон)да жойлашган ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда ана шу алоқаларни рад этди, шунингдек уларда Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси раиси Ясир Арафат воситачилигининг моҳиятини бузиб кўрсатди.

Фаластиннинг Бағдоддаги қароргоҳида ҳақиқатан ҳам ана шундай музокара бўлиб ўтган, дейилади Афғонистон ҳукуматининг баёнотида. Бу музокараларда «Афғонистон Ислом фирқаси»дан фирқа раисининг сиёсий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари Абдулқодир Карёб билан Г. Ҳикматёрнинг куёви Ғайратхон Бахир вакил бўлиб қатнашганлар. Улар бўлиб ўтган музокаралардан мамнуният изҳор қилиб, бу музокараларни «Ҳар икки томондан музнинг эрий бошлаши» деб атаганлар. Афғонистон жумҳурияти ҳукуматининг таклифларини диққат-эътибор билан ўрганиб, ўз фикрларини шундан кейинги учрашувларда маълум этишга ваъда қилганлар.

Афғонистон раҳбарияти ушбу баёнот оппозиция билан ўз мулоқотлари хусусида ҳамма чалкашликларни бартараф этади, деб умид қилади. Агар Г. Ҳикматёрнинг фикрича, бу мулоқотлар «хиёнат» бўлса, у ҳолда бошқа тўдалар ҳам Ҳикматёрнинг ўзига шундай айб қўйишга ҳақлидирлар. Чунки у бир томондан Покистоннинг Ай-Си-Ай ҳарбий разведкаси билан ҳамкорлик қилмоқда, иккинчи томондан Афғонистондаги бошқа кучларни назар-писанд қилмай, Афғонистон жумҳурияти ҳукумати билан алоҳида тарзда битим тузишга уринмоқда, деб таъкидланади баёнотда.

Шиддатли жанглар

ГАВАНА. (ТАСС). Сальвадорнинг учта департаментида Фарабундо Марти номли қўзғолончиларнинг миллий озодлик фронти отрядлари билан армия бўлинмалари ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Марказий Америкадаги ушбу мамлакат қуролли кучлари матбуот қўмитаси тарқатган кундалик маълумотда сўнгги кунда бўлиб ўтган қуролли тўқнашув натижасида ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан иккала томон юздан ортиқ кишини йўқотганлиги айтилади. Чалатенанго департаментида қўзғолончилар ҳарбий тайёрани, Усулутан Шарқий департаментида эса ҳарбий-ҳаво кучларининг вертолётини уриб туширдилар.

Партизанлар раҳбарияти Вашингтоннинг Сальвадор ҳукуматига ҳарбий ёрдам жўнатишни тезлатишга доир қарорини қоралади. Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронти раҳбариятининг вакили Нидия Диаснинг гапларига қараганда, Америка маъмуриятининг бу ҳаракати Сальвадордаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш истиқболларини орқага суради. Шу тариқа АҚШ қўзғолончилар билан ҳукумат ўртасида сулҳ тўғрисидаги битимни қачон имзолаш мумкинлигини АҚШнинг ўзи белгилаб беришга уринмоқда, деди Н. Диас.



Ҳиндистон... Бу сўзни шарҳлаб ўтириш лозим бўлмаса керак. Зеро уни тўла қамраб олиш мумкин ҳам эмас. Турли хил динлар, қабилалар, маданиятлар, урф-одатлар қўшилиб кетган бу қўҳна заминда.

Сиз суратда кўриб турган мана бу аёл Монпа қабиласидан. Бу ерда оиладаги фаровонлик даражаси қимматбаҳо тош мунчоқларга қараб белгиланади. Ҳар бир тошнинг қиймати гоҳида бир неча минг рупийдан ҳам ошиб кетади.

ТАСС сурати.

Бодринг қимматга тушди

СОФИЯ. Ҳар қандай об-ҳавода пойтахтдаги озиқ-овқат дўконлари ёнида улар очилишидан анча олдин пайдо бўладиган узундан-узоқ навбат кутувчилар, бўм-бўш пештахталар, яқингинадаги мезонлар билан ўлчаганда бозорлардаги асосий озиқ-овқатларнинг нархи ниҳоятда юқорилиги... қиш бошланишиданоқ мана-ман деб турган танглик Болгарияда тобора кўпроқ ташвиш уйғотмоқда.

Пойтахтдаги халқ кенгашида бўлиб ўтган мажлисда Софияни ва умуман мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этишни сира кечиктириб бўлмаслиги таъкидланди. Мажлисда муваққат шаҳар бошқарувининг аъзолари, савдо ва хизмат кўрсатиш вазирлигининг, шунингдек, деҳқончилик ва озиқ-овқат саноати вазирлигининг вакиллари, пойтахт сайлов округларидан буюк халқ кенгашига сайланган депутатлар иштирок этдилар. Мажлисда бу масаланинг ўткирлигидан далолат берувчи аниқ фактлар келтирилди. Чунончи, Софияда озиқ-овқат маҳсулотлари запаси умуман йўқ. Пойтахтга келаётган озиқ-овқат маҳсулотлари дарҳол сотиб юборилаяпти, шунда ҳам уларга бўлган эҳтиёжнинг атиги бешдан бир қисми қондирилмоқда.

Ташвиш уйғотмоқда

БЕРЛИН, 17 декабрь. (ТАСС). Ғарбий Берлиндаги озиқ-овқат дўконларидан бирининг 44 ёшли директорига бир банка тузланган бодринг ўз чакана нархидан 2000 баравар қимматга тушди.

Йўқ, «чайқов бозори» бунга мутлақо дахлдор эмас. Савдо ходими «озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги қонунни билиб туриб бузгани» учун суд унга 2700 марка жарима солди. У харидор сотиб олган ва кейинроқ сасиганлигини билиб қолиб қайтариб олиб келган бир банка тузланган бодрингнинг пулини беришдан бош тортган.

Тиргантен ноҳия судининг аниқлашича, харидор аёл маҳсулотнинг сифатсизлигини уни уйига олиб келганидан кейингина билган. У бодрингни кўтариб дўконга қайтиб келганида директор уни жуда илтифотсизлик билан кутиб олган, харидор товар чекини ташлаб юборгани маълум бўлганидан кейин эса, «менинг олдимга ҳар куни бирор нарсани алмаштириб олиш мақсадида келувчилар кўп», деган гапни баҳона қилиб, ҳатто суҳбатни давом эттиришни ҳам истамади.

Бироқ Германия қонунларига мувофиқ, агар маҳсулот сифати белгиланган стандартларга тўғри келмаса ва унинг нархи қайд этилган ёзув сақланиб қолган бўлса, молни сотиб олишдан кўрилган зарар тўланиши лозим.

Янги йил арчаларини сақлаб қолайлик

БЕЛГРАД, 17 декабрь. (ТАСС мухбири Борис ЗУБКО). Белграддаги кўпгина дўконларда арча ўйинчоқлари сотила бошланганлиги Янги йил яқинлашаётганининг дастлабки аломати бўлди. Одатдагидек, шу вақтда табиат мухлислари бир неча кунлик хурсандчилик учун дарахтларни нобуд қилиш тўғри бўлармикан, деган масалани яна ўртага қўйишмоқда.

Кўкатпарварлар партияси маҳаллий ўрмон илмгоҳи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан бирлашиб, табиатни сақлаб қолишнинг бутунлай ўзига хос усулини таклиф қилди. Уларнинг ташаббуси билан келаси хафтада Белградда «Тирик арча» деб номланган катта тадбир бошланади. Бу тадбирнинг моҳияти шундаки, барча истовчилар янги йил учун арчани махсус идишга экилган тарзда сотиб олишлари мумкин бўлади. Тадбир ташкилотчиларининг режасига кўра, арчанинг эгаси янги йил байрами тугаганидан кейин уни ўз ховлисига экиб қўйиши лозим. Агар бундай имконият бўлмаса, тегишли жойга қўнғироқ қилиниши биланоқ уйга махсус машина келиб, арчани унинг ўрмондаги илгари жойига ёки шаҳар боғига олиб кетади. Яшил соҳибжамолнинг муваққат хўжайини зиммасидаги бирдан-бир вазифа уни байрам кунларида авайлаб асрашдан иборат бўлади. Тадбирнинг асосий жиҳати шундаки, бундай арчалар арзон нархларда сотилади, бу эса уларни сақлаб қолиш учун яхши омил бўлиши керак.

Ранг-баранг олам

Уйда футбол музейи

● БУГУНГИ кунда қарилик гаштини сураётган бразилиялик майор Жоккин-Карлуш Серейра ашаддий футбол ишқибозидир. Ёшлигида дурустгина тўп сурган бу кишининг турли экспонатларга тўла уйи футбол музейига айланган. Бу ерда Лондонда ўтказилган Жаҳон биринчилиги финал учрашувининг чиптаси, машҳур футбол «юлдуз»лари Эйсебио, Мациола, Гарринча, Бекенбауэр дастхатлари бўлган программалар, Марадона имзоси қўйилган чипта бор. Уй эгасининг айтишича, экспонатлар ичида футбол қироли Пеленинг дастхати қўйилган тўп унинг учун энг қимматлидир.

«Бемор»нинг васияти

● НЬЮ-ЙОРКДА Валери Коуэн исмли аёл вафот этди. У ўлимидан олдин уйидаги барча буюмларни қариндош-уруғларига тарқатиш ҳақида васият қолдирди. Булар орасида ичи 50 йил давомида ёзилган дори рецептлари билан тўла катта қути Валери хонимнинг уй врачига насиб этди. Шуниси қизиқки, 85 йил умр кўрган Валери Коуэн буларнинг биронтасидан ҳам фойдаланмаган.

Тарвузхўрлар мусобақаси

● УШБУ мусобақа якунлангач, тарвуз пўчоқлари тўпланган жой катта тоғни эслатарди. Италияда тарвузни тез ейиш бўйича антиқа беллашув ўтказилди. Стефан Матеш исмли биолог бир минутда бир килограмм 23 грамм тарвузни паққос тушириб, мусобақа ғолиби бўлди.

Тиниб-тинчимас Антонио

● 54 ЁШЛИ португалиялик Антонио Альвиш камдан-кам учрайдиган Жаҳон рекордини ўрнатди. Альвиш 11 соат 26 минутда 80 километрли масофани пиёда босиб ўтди.

Ранг-баранг олам

Севимли санъаткорларимиз



ЭЛ АРДОҚЛАГАН ИЖОДКОР

Эсимда. Ўша пайтлари 14-15 ёшар бола эдим. Кенг айвонимиздаги устунга суяниганимча ойнаи жаҳонда намойиш қилинаётган «Баҳор қайтмайди» видеофильмини томоша қилардим. Анвар, Муқад. Юрагимнинг қат-қатларида ўзим ҳам тушунмайдиган сирли бир туйғу дунёга келаётган эди. Гўё мен Анвар билан ҳамдам, Муқад билан ҳамнафас яшаётгандек эдим. Видеофильм давом этарди. Пок эзгуликка пайдо бўлган илк туйғуларимни чилпарчин қилганча экранда Алимардон Тўраев пайдо бўлди. У Анвардан Муқаддамни тортиб олди. Муқаддамга қўшиб мени орзуимдан, ширин хаёлларимдан айирди. Дунёдаги разиллик, хиёнат, шуҳратпарастлик деб номланган туйғулар олдида ўзимни ожиз сеза бошладим. Барибир ҳақиқат қарор топишига ишонардим. Видеофильм давомида мен бир дунё туйғуларни бошимдан кечирдим. Мен ундан нафратланардим. Ҳаётда шундай диёнатсиз инсонларга ўрин берилганидан эзилиб худога нола қилгандим.

Йиллар ўтиб ойнаи жаҳонда яна «Алимардон Тўраев» пайдо бўлди. Лекин у ҳонанда Алимардон эмас, бир ёш болага қонини бериб, уни ўлимдан қутқариб қолган, инсонлар қилган яхшиликлари учун руҳан эзилиб, ишончсизлик туйғуси таъсирида юрак бағри қон бўлган содда, хушфеъл, такси ҳайдовчи йигит эди. Мен уни ҳурмат қилардим. Чунки у ўзгарди. У аввалги Алимардон эмасди.

Мана, ўша ёш пайтларимда юрагимни ларзага солган инсон билан юзма-юз суҳбатлашиб ўтирибман. У феъл-атвори, гапириши жиҳатидан Алимардон Тўраевга ўхшамайди. У бошқача. Унда инсонийлик фазилатлари мужассамлашган. Лутфулла акани бугун бутун ўзбек халқи танийди, ҳурмат қилади. Унинг яратган қаҳрамонларини севмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Унинг бундай эътиборга эришиши осон кечгани йўқ. Манной Уйғур номидаги театр ва рассомлик олий билимгоҳининг кечки бўлимида таълим олди. Кундузи қурилишда ишчи бўлиб ишлади. Шу билан бирга ижодий изланди.

— Отам менинг саҳна артисти бўлишимга қарши эдилар, — дейди Лутфулла ака. — Лекин диплом ролими ўйнаш чоғида залга ҳаммадан олдин кириб ўтириб олгандилар. Ролимни ижро қилганимдан кейин кўзларида ёш билан пешонамдан ўпиб, оқ йўл тилагандилар.

У олий билимгоҳни тугатгач, Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрига ишга келди. Ҳар бир инсон ҳаётида унутилмас дақиқалар, сониялар борки, хотирада бир умр муҳрланиб қолади.

— Ҳаётимда энг унутилмас кунлардан бири саҳнада ўйнаган биринчи В. Илалойский асари асосида саҳналаштирилган «Чандонинг саргузаштлари» пьесасидаги Чандо роли эди. Бу роль менинг санъат соҳасидаги биринчи муваффақиятимдир. Чунки болалар Чандони севиб қолишиб, театримизга уч-тўрт марталаб [illegible]. Шундан кейин ўзимга ишонч ҳосил бўлди, — дейди Лутфулла ака.

Ҳа, у актёр сифатида талай ролларни ижро қилган, инсон қалбига яқин, томошабинни ўзига ҳамдард қила оладиган қаҳрамонлар образини яратган. Иззат Султоннинг «Донишманднинг ёшлиги» асарида Ибн Сино, Ёнғин Мирзо, Омон Шарифнинг «Фарзандим — жигарбандим» асарида Зиёдулла Убайдуллаев — фирқа ходими, Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» асарида Қори, Шукруллонинг «Жанжал»ида Шоғулом, Ш. Алиевнинг «Хўжа Насриддин ва Азроил» асарида Насриддин образларини қойилмақом қилиб яратган. Бу образлар характери, дунёқараши, юриш-туриши жиҳатидан хилма-хилдир. Лекин актёр ҳар бир қаҳрамоннинг ички дунёсини кенг очиб бера олган. Дунёдаги барча инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган. Актёрнинг ютуғи ҳам шунда.

Доно халқимизда «устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» деган ажойиб бир гап бор. Лутфулла аканинг устозлари кўп. Барча етук актёрларимизни ўзининг устози деб билади.

— Ленин Ўзбекистон халқ артистлари Амин Турдиев, Назира Аҳмедова, Иброҳим Аҳмедов каби инсонларни алоҳида тилга олмасам бўлмайди, — дейди у. — Менинг санъаткор бўлиб етишишимга уларнинг кўп меҳнатлари сингган.

Ҳар бир инсоннинг хоҳ у санъаткор бўлсин, олим, сиёсатчи, ишчи бўлсин ҳаммасининг ҳам қалбида ушалмаган орзуси, бир кам дунёдан ўкинчи бўлади. Лутфулла ака билан суҳбатлашиш жараёнида унинг ҳам ушалмаган орзуларидан хабардор бўлдим.

— Менинг энг афсус қиладиган нарсам режиссурада ўқимаганим. Лекин изланаяпман, билмаганларимни ўқиб ўрганаяпман. Мана режиссурада ўзимни синаб кўрдим. Яқинда Тўлқин Қозоқбоевнинг «Адашганлар» асарини саҳнага олиб чиқдик. Спектакль жуда ҳам яхши чиқди, деб баҳо беролмайман. Чунки баҳони томошабинлар бериши керак, дейди у.

Мен Лутфулла акани фақат актёр сифатида билардим. У билан яқинроқ танишганимдан кейин бу одамнинг адабиётга боғлиқлигини ҳам сезиб қолдим. Ҳикоя, шеър, интермедиялари жумҳурият матбуотларида эълон қилиниб туркан. Яқинда «Муродига етмаганлар» фожиасини ёзибдилар.

Убайдулла ака 7 фарзандни камолга етказган. Улар бугунги кунда ҳар жабҳада она юртимизнинг келажаги йўлида самарали меҳнат қилишаяпти. Албатта кўпчилиги санъат соҳасида. Бир оилада учта Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори ва ана шунча Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист бор. Яйра, Ғайрат, Туйғун, Лутфулла, Гулчеҳра... Лутфулла ва Гулчеҳра Саъдуллаевларнинг эса учта фарзанди бор. Гулираъно, Сарвар. Учинчисига ҳали исм қўйишмабди. Туғруқхонада экан. «Гулчеҳра опангиз билан маслаҳатлашиб, бир қарорга келайлик кейин қўнғироқ қиларман» дедилар. Ҳали у кишидан қўнғироқ бўлгани йўқ.

Бу ой Луфтулла ака учун қўшалоқ байрам. Севимли санъаткоримиз 50 ёшга тўлдилар. Барча муштарийларимиз, рўзномамиз ходимлари номидан иқтидорли актёр Луфтулла Саъдуллаевни 50 ёшлик тўйлари билан самимий қутлаймиз. Ижодига баркамоллик тилаймиз.

Жуманазар НУРИММАТОВ.

* * *

СУРАТДА: Иззат Султоннинг «Донишманднинг ёшлиги» спектаклидан лавҳа. Зарнгиссу ролида — Гулчеҳра Саъдуллаева. Ибн Сино — Лутфулла Саъдуллаев.

ЖАНГЧИЛАР ҲУЗУРИДА МЕҲМОНДА

Халқ депутатлари ижроия қўмитасининг ва комсомол қўмитасининг ташаббуси билан Қоракўл ноҳия делегацияси ўз юртдошлари хизмат қилаётган Хмельницкий шаҳрида бўлди. Қоракўл ноҳия ижроия қўмитасининг раиси Д. Тошев бундай ҳикоя қилади:

— Делегация таркибида Шўро ходимлари, комсомол фаоллари, фарзандлари шу ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ота-оналар бор эди. Улар аскарларнинг туриш-турмуши билан қизиқдилар. Ҳарбий қисмда йигитлар учун барча шароитлар яратилган, уларнинг хавфсизлиги таъминланган.

Ноҳия комсомол қўмитасининг ёшлар маркази ҳузуридаги «Орзу» дастаси жамоаси жангчиларга катта концерт қўйиб берди.

Ўзбекистонлик аскарлар учун яна бир кутилмаган совға тайёрлаб қўйилган эди — улар ноҳия комсомол қўмитаси ҳисобидан жумҳурият рўзнома ва ойномаларига обуна бўлишди. Уларга совғалар — миллий чолғу асбоблари, ўзбек тилидаги китоб ва ойномалар топширилди.

ЎзТАГ мухбири.

ДХҚ: ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Тунов кун қизиқ учрашув бўлди. Балки Давлат хавфсизлик қўмитаси ходимлари аввалллар ҳам жойларда бундай юзма-юз мулоқотлар ўтказишгандир. Лекин бу ҳақда оддийгина хабарчалар босиларди. Кўпчилик билиб-билмай қоларди. Энди бу маҳкама ҳам эл билан очиқчасига сирлаша бошлади. Шу куни улар пойтахтдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида «афғон» йигитлар билан учрашдилар. Ҳалигача кўпчилик англаб-англолмаётган бу урушнинг жонли гувоҳлари бирлашмада оз эмас — 270 нафардан кўпроқ. Алоҳида уюшма ҳам тузишган. Мулоқот бошлангунча уюшма аъзоларидан баъзилари билан гаплашиб олдим:

Бекназар МАМАТОВ: — 1981-1983 йиллар Афғонистонда хизмат қилдим. Кўп қийинчиликларни кўрдим. Худога шукр, ҳаммаси ортда қолди. Шундай азобларни душманимга ҳам раво кўрмайман. Ҳозир Тошкент Халқ хўжалиги олий билимгоҳида сиртдан ўқияпман. Бирлашмада ҳамма нарса етарли. Фақат соҳам бўйича иш тополмаяпман. Шуниси чатоқ.

Комил НЎЪМОНОВ: — Ишхонамизда «афғон»ларни ҳурмат қилишади. Бу ерга армия хизматини ўтаб бўлганимдан кейин келдим. Яқинда квартира беришмоқчи.

Миракбар МАҲМУДОВ: — Касбим ўзимга ёқади. Чархловчиман. Оилалиман. Ишда ҳам ҳурматим яхши. Менга ҳеч нарса керак эмас. Соғ-саломат уйга қайтиб келдим, шунинг ўзи катта бойлик. Лекин бир нарсага ҳайронман. Армияга укаларимиз кетаяпти, кўнглимда безовталик. Худди жангга кузатаётгандек. Биз-ку ўзгалар юртида жонимиздан хавотирда эдик. Улар-чи?

— Қуролдошлар айтаётгандек ҳамма ишлар осонлик билан битаётгани йўқ, — дейди бирлашма байналмилалчи жангчилар уюшмасининг раиси Алексей Погорелец. — Яқинда бир «афғон»имиз билан шундай воқеа юз берган экан. Маиший хизматнинг ишидан қониқмаётган йигит бошлиқнинг олдига арз қилиб кирибди. Бошлиқ арзлаб келганни стулга ўтиришга таклиф қилибди-да, ўргангани-билгани қўнғироқбозликка ўтиб кетибди. Бир гаплашиб қўймайди, икки гаплашиб хумордан чиқмабди. Ҳали унга, ҳали бунга кетма-кет сим қоқаверибди. Орадан ярим соат ўтгач «афғон»нинг сабри чидамабди. Шартта дастакни бошлиқнинг қўлидан олибди-ю ўзини бўралаб сўкибди. Ҳа, бахтга қарши ҳамма ҳам «афғон»ларга тўғри муносабатда бўлмаяпти. Лекин биз бўш келаётганимиз йўқ. Ортиқча югур-югур қилмаслик учун байналмилалчи жангчиларни турли идораларга бириктиб қўйганмиз.

Бир-икки оғиз ДХҚ ходимлари ҳақида. Жамоатчилик алоқа маркази бошлиғи Рихситилла Акромов, бўлинма бошлиғи Александр Благородов ва бошқа ходимлар иштирокида жумҳуриятда илк бор ана шундай юзма-юз мулоқот ўтказилди. Уларга ҳам осон тутманг. Кўпгина марказий нашрлар билан курашишнинг ўзи бўлмайди. Униси ёзиб чарчаса, буниси бошлайди. Учрашув иштирокчилари ДХҚ ходимларига ўзларини қизиқтирган саволларни бердилар. Мен ушбу савол жавобнинг бир нечтасини қоғозга тушириб олдим.

Савол: — Жосусларни ҳам тутасизларми?

Жавоб: — Охирги нолегал жосус Ўзбекистонда 1959 йилда қўлга олинган. Бугунги кунда ҳам улар учраб туради. Улар кимлар? Асосан жумҳуриятимизга ташриф буюраётган турли соҳа вакиллари орасида топилиб туради. Биз уларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда душманлик фаолияти юзасидан иш олиб борамиз.

Савол: — Ўзбекистонда фуқароларнинг телефон сўзлашуви эшитиладими?

Жавоб: — Жиноятни очишда бошқа воситалар камлик қилган тақдирда — қонун белгилаган шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бунда албатта прокурор рухсати билангина шундай йўл тутишга мажбур бўлинади.

Савол: — Болтиқбўйи жумҳуриятларида ДХҚ фаолияти тугатилгани ростми?

Жавоб: — Тугатилгани йўқ. Аммо чекистлар жудаям мураккаб шароитда иш олиб боришмоқда.

Савол: — Ҳали ҳам собиқ фирқа раҳбарлари ДХҚ ишларига олинаяптими?

Жавоб: — Ишлаётганлари бор.

Савол: — Асосан қайси касбдагиларни ишга оласизлар?

Жавоб: — Бизда деярли турли касб эгалари меҳнат қилишади. Улар орасида ҳатто ветеринарлар ҳам бор. Орамизда фақат консерваторияни битирганлар йўқ.

Савол: — Бундан бир неча йил олдин сизларга ишга кирмоқчи эдим. Фирқа аъзоси эмас экансиз, деб қайтаришганди. Ҳозир шу талаб борми?

Жавоб: — ДХҚ ходими бўлиш учун фирқа аъзоси бўлиш шарт деган талаб бугунги кунда ўз кучини йўқотди. Лекин бизга ишга кирмоқчи бўлган одам бошқа талабларга тўла жавоб бериши керак. Асосан жисмоний бақувват, одамлар билан муомалага кира биладиган, фикр доираси кенг инсон бўлиши шарт.

Савол: — Ўзбекистон ДХҚсининг ҳам ССЖИ ДХҚсига, ҳам ЎзССЖ Олий Кенгашига бўйсунишини қандай тушуниш мумкин?

Жавоб: — Ўзбекистон ССЖ ДХҚси Иттифоқ — жумҳурият қўмитасига мансуб бўлганлиги учун у ССЖИ ДХҚсига бўйсунади ҳамда ўз навбатида Ўзбекистон Олий Кенгашига ва халқ депутатлари олдида вақти-вақтида ҳисобот бериб туради.

Савол: — Ўзбекистондаги хавфсизлик қўмитаси вакиллари билан жумҳуриятлардаги ҳамкасблари ўртасида қарама-қаршиликлар чиқиб турадими?

Жавоб: — Қардош жумҳуриятлардагилар ҳам ССЖИ ДХҚсига бўйсунади. Шундай бўлгач қарама-қаршиликларга ўрин қолмайди. Доим ҳамкорликда, ўзаро ёрдам асосида ишлаймиз.

Савол: — ДХҚ хизматчиларининг иш вақти қандай?

Жавоб: — Кеча эрталаб соат 9 да уйдан чиқиб кетгандим. Ҳозир соат 18 дан ошди, бугун уйга қачон қайтишимни ҳам аниқ билмайман. Ярим ҳазил, ярим чин бу гапим. Чекистларнинг иш вақти чегараланмаган, улар давлат хавфсизлиги йўлида вақт билан ҳисоблашмайдилар.

Биз савол-жавобларнинг ҳаммасини қоғозга тушириб ўтирмадик. ДХҚ жамоатчилик маркази яна кўпгина жойларда мунтазам учрашувлар ўтказиш ниятида.

Мирза АБДУЛЛА,
«Ёш ленинчи» мухбири.

19 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Қувонч». Болалар учун фильм-концерт. 12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм («Қозоқфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Гуслярдаги ажойиботлар». Мультфильм. 18.30 «Қалбим қўшиқлари». Фильм-концерт. 19.00 «Жамоат ташкилотларида». Байналмилалчи жангчилар уюшмаси ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти». 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. Мутал Бурхоновнинг «Алишер Навоий» операси ҳақида. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Товон тўлов». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Кўрсатув ўтди, нима ўзгарди?». 19.50 «Мангу йўл». Телефильм. 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Суҳбатга чорлаймиз». Тошкент шаҳар Фрунзе ноҳияси аҳолисининг саволларига ноҳия турар-жой бошқармаси ходимлари жавоб берадилар. 21.00 «Давлат Хавфсизлик қўмитаси ва ошкоралик (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳаёти деҳот». Тележурнал. 22.50 «Резидентнинг қайтиши». Бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Ҳақгўйликнинг аччиқ меваси». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 10.05 «Бор бўл, мусиқа!». 10.50 «Олам кинокамера кўзгусида». 11.50 «Наташа учун эртак». Мультфильм. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 «Вақт».

* * *

17.15 Э. Грач чалади (скрипка). 18.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 19.00 «Вақт». 19.30 «Дўхтир Айболит». Мультфильм. 6-серия. 19.40 Чемпионларнинг маслаҳатлари. 20.20 Шеърият лаҳзалари. 20.30 Александр Левшин куйлайди. 20.40 «Барча дарёлар оқади». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Э. де Филиппо. «Итальян латифалари». Ленинград «Эксперимент» театри фильм-спектаклининг премьераси. 23.35 Коллаж. 23.40 «Босқичлар». 00.55 «ТСН».

● МТ II

17.30 Чувашистон Давлат ашула ва рақс дастасининг концерти. 18.15 **ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездида.** 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Қўлбола эртаклар. 20.30 **ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съездида.** 21.30 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 22.00 РСФСЖ шаҳарлари телестудиялари. «Ибодатхона сари машаққатли йўл». (Пермь). 22.25 Хоккей. «Известия» рўзномасининг соврини учун халқаро турнир. Швеция — Канада терма командалари. В. И. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Спорт саройидан кўрсатилади.

«ОРОМ» КУЙЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Италия сафаридан қайтган Ўзбекистон ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари олийгоҳи «Ором» ашула ва рақс халқ дастаси буюк шоир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган янги дастур асосидаги машқларини бошлаб юборди. Бунда асосан мақом йўлларидаги қўшиқ ва рақслар ижро этилади.

Биз дастанинг бадиий раҳбари Нодира Шихболова билан учрашиб, жамоа босиб ўтган йўл ва ёш истеъдодларнинг ижодий режалари хусусида суҳбатлашдик.

— Даста 18 йил илгари ташкил топгани маълум. Ана шу даврдаги ўзгаришлар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Ҳа, бизнинг дастани ўн саккиз ёшлилар дастаси деса ҳам бўлади. Гап шундаки, унинг ҳар бир қатнашчиси биринчи курсда дастага кириб, бешинчи курсни битиргач эса биз билан хайрлашади. Ана шу беш йил ичида жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан келган талабалар билим олиш билан бирга ўз истеъдодларини намоён қиладилар. Демак, «Ором» ҳамиша навқирон ёшда.

...Даста уч ёшга тўлганда унга дастлабки муваффақият йўлдош бўлди — халқ дастаси унвонини олди. Ўша йили Москвада бўлиб ўтган ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича жаҳон конгресси вақтида катта концерт программаси билан қатнашган 35 кишилик жамоа шу анжуман дипломини қўлга киритишга муяссар бўлди.

— 1980 йилда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ҳамда Ёшлар ва талабаларнинг XII Жаҳон фестивали совриндорлари бўлгансиз. Бу даста ўзбек халқ санъати дурдоналарини иттифоқ бўйлаб намойиш этгани учун берилган мукофотдир, албатта.

— Тўғри. Иттифоқимизнинг Москва, Киев, Ленинград, Боку каби шаҳарлари ҳамда Коми Мухтор Совет Социалистик жумҳуриятида ҳам концертлар берганмиз. Тбилиси қишлоқ хўжалик олий билимгоҳининг 40 йиллик юбилейи, Кремль Съездлар саройи ҳамда «Россия» театрида берилган концертлар дастамиз қатнашчилари ҳаётида ўчмас воқеа бўлиб қолди.

— Даста қатнашчиларининг чет эл сафарлари чоғидаги муваффақиятлари қандай бўлди!

— 1980 йилда Болгарияда, 1989 йили эса Ҳиндистон, Малайзия ва Сингапурда бўлиб, ўзбек халқининг санъатини намойиш этдик. Италияга қилган сафаримиз ғоят мазмунли ўтди. Биз италиялик санъат ихлосмандларига «Ўзбекистон гулдастаси» программасида концерт намойиш этдик. Карнай-сурнай, ноғора жўрлигида жўшқин музика садолари янгради. Шундан сўнг Ўзбекистонда Наврўзнинг байрам қилиниши саҳнаси намойиш этилди. 5-курс талабаси самарқандлик Наргиза Усмонова ижро этган «Лазги» ва «Андижон гуллари» рақсларини томошабинлар олқишладилар. Юқори курс толиби Усмон Наврўзовнинг ширали овози ҳар кимга ҳам ёқади. Чунки у санъатни жон-дилидан севади. Усмонжоннинг «Қизларгул», «Қора кўз» қўшиқларига 4-курс талабаси Шоҳидахон Унарова хиромон томошабинларга манзур бўлди.

Яқинда 1-курс талабалари орасидан саккиз нафар санъатсевар қизларни танлаб олдик. Улар дастлабки машқларда қатнашиб, қўшиқ ва рақс санъати сирларини ўрганишга киришдилар.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Хива шаҳрида янги очилган санъат мактаби халқ ижодини ўрганишга ихтисослашган. Бу ерда ўқувчилар унутилиб кетган халқ лапарлари, қўшиқлари, ялла-ю, ёр-ёрларини ўрганишяпти. Айниқса Равшан Юсупов раҳбарлигидаги ёш гармончилар фольклор дастаси бу борада кенг муваффақиятларга эришяпти.

СУРАТДА: Ёш гармончилар фольклор дастаси.

Сураткаш:
Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ).



Олий таълим: бугун ва эртага

УЧ ЖУМҲУРИЯТ ОЛИМЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Фарғона политехника илмгоҳининг олимлари молдовалик ва белоруссиялик касбдошлари билан ижодий ҳамдўстлик ҳақида шартнома туздилар. Улар оптик электрон ва товуш системаларини яратиш соҳасидаги муаммоли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун куч-ғайратларини бирлаштиришга қарор бердилар.

— Шартномада кўрсатилган бир қанча қоидалар ҳозирдаёқ муваффақиятли равишда турмушга татбиқ этилмоқда, — дейди Фарғона политехника илмгоҳи ўқув ишлари проректори, техника фанлари доктори, профессор М. Муҳиддинов. — Жумладан, талабаларнинг ўқув ва тадқиқот лабораторияларини жиҳозлаш тўғрисида шундай дейиш мумкин. Кишиневдаги материал сифатини назорат этишнинг ўзгармас усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш Бутуниттифоқ илмий тадқиқот илмгоҳининг олимлари бизга металл қувурларни, машинасозликнинг бошқа қисмларини пайвандлаш чоғида бўладиган кўз илғамас нуқсонларни аниқлашга имкон берадиган ультратовуш асбоблари тўртта туркумини, шунингдек бетон, пластмасса ва сопол сифатини назорат этишнинг ўзгармас усуллари учун ультратовушли аппаратларни юборишди.

Бу ускуналарнинг ҳаммаси Фарғона политехника илмгоҳида яқинда ташкил этилган «Табобат электроникаси ва интроскопияси» кафедраси лабораториясининг стендларини тўлдирди. Бу ерда олий ўқув юрти учун янги мутахассислик — жуда мураккаб биотехника ва табобат аппаратлари ҳамда системаларини ишлатиш ва тузатиш муҳандисларини тайёрлай бошладилар.

Могилев машинасозлик илмгоҳи ҳам энг янги лаборатория ускуналарини фарғоналиклар билан баҳам кўришди. Белоруссиялик касбдошлари худди шу лаборатория учун тўртта электроника ва микропроцессор техникаси бўйича ўқув-лаборатория стендини юбордилар.

Фарғона политехника илмгоҳининг жамоаси ўз навбатида яқин кунлар ичида ўзлари ишлаб чиққан оптик электрон узатгичларни Могилёвга юборадилар. Белоруссиялик олимлар ана шу қурилмага жуда катта эҳтиёж сезишмоқда.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УИ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58, ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28636.